

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ

**СОДИҚОВА Шоиста Акбаровна**

**ТАЛАБАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК  
ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ**

(Педагогика олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим”  
йўналиши мисолида)  
Методик кулланма

Тошкент – 2009

Ушбу методик кулланмада “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш заруриятнинг юзага келиши, мазкур жараён моҳияти ва устувор тамойиллари ёритилган. Методик кулланмада “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни ҳақида батафсил тўхталиб, ўқув машғулотларининг талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашдаги ўрни, аудиториядан ташқарида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш имкониятлари ҳамда “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларида оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантиришга оид педагогик қарашлар ўз ифодасини топган.

Методик кулланма олий педагогик таълим муассасаларида “Ижтимоий педагогика” фанининг ўқитилиши, шунингдек, шахсни ижтимоийлаштириш масалаларига қизиқувчи педагоглар, «Мактабгача йўналиш» талабалари, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари, илмий изланувчилар ҳамда ижтимоий соҳа ходимлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: педагогика фанлари номзоди,  
доцент Н.Эгамбердиева

Такризчилар: педагогика фанлари доктори,  
профессор Шарипова Д.

педагогика фанлари номзоди,  
доцент

Методик кулланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг **XX**-рақамли йиғилиши (2009 йил 19-март) қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2009  
йил

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида жамиятда рўй берган туб ижтимоий ўзгаришлар, қарор топган янги ижтимоий муносабатлар таъсирида педагогик тафаккур ҳам янгиланди. Бунинг натижасида педагогик туркум фанлари мазмунан такомиллашди, янги ўқув фанларининг ўқитилиши йўлга қўйилди. Жумладан, педагогика олий таълим муассасаларида “Педагогик технология” ва “Ижтимоий-педагогика” каби ўқув фанларининг ўқитилиши бўлажак ўқитувчиларда ижодий қобилият ҳамда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш имкониятини юзага келтирди. Амалга оширилаётган кенг кўламли таълимий ислохотларнинг якуний натижаси бўлган “... Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш”<sup>1</sup> да “Ижтимоий-педагогика” ўқув фани катта имкониятларга эга.

Айни вақтда педагогика олий таълим муассасаларида мазкур фан асосида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ижобий ечимини топишга йўналтирилган педагогик фаолият кўлами жиҳатдан мураккаб бўлиб, у бир неча йўналишларда ташкил этилади. Шахсни ижтимоий муносабатларга мослашувини таъминлаш; ота-она қарови ва парваришидан маҳрум бўлган болалар билан ишлаш; нормадан оғиш ва девиация ҳолатларини намоён этувчи, шунингдек, спиртли ичимликлар ҳамда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи болалар ва ўсмирлар ўртасида ўртасида профилактик ишларни олиб бориш ижтимоий-педагогик фаолиятнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасалари ҳам ижтимоий институтлардан бири сифатида болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларни турли салбий ижтимоий таъсирлардан муҳофазалаш, мактаб таълимига тайёрлаш ҳамда психологик жиҳатдан зўриқишларининг олдини олишда алоҳида ўрин тутди. Бу муассасаларда тарбиячилар болаларни ижтимоийлаштиришда асосий ролни ўйнайдилар. Бўлажак тарбиячиларнинг мактабгача таълим ёшидаги болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш борасида пухта назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари эса кутилган натижани қўлга киритиш имконини беради. Педагогика олий таълим муассасаларида турли йўналишлар, шу жумладан, “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш ўзига хос долзарб муаммо саналиб,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси /Тузувчилар Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Ахлиддинов. Нашр учун масъул: Т.Рискиев. – Тошкент: Шарқ НМК Бош таҳририяти, 1999. – 42-бет.

унинг ечимини топиш ёш авлодни ҳар томонлама камол топишига ёрдам беради.

Муаммони назарий ва амалий жиҳатдан дастлабки ўрганиш педагогика олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш борасида дастлабки тажрибалар тўпланганлигини кўрсатди. Бироқ, олий таълим муассасалари олдида бу йўлда ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор вазифалар мавжуд. Бизнинг назаримизда улар қуйидагилардан иборат:

- олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” йўналишида “Ижтимоий-педагогика” ўқув фанини самарали ўқитишга ёрдам берувчи зарур педагогик ва методик шарт-шароитларни яратиш;

- педагогларда “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнига нисбатан технологик ёндашувни қарор топтириш;

- “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларида ижтимоий-педагогик фаолият моҳияти, унинг ижтимоий-миллий аҳамияти ва ижобий натижаларини тўғри англаш ҳамда баҳолаш кўникмаларини шакллантириш;

- талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда таълим муассасалари билан тегишли ижтимоий ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш ва бошқалар.

Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши педагогика олий таълим муассасаларида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда юқори натижаларга эришишни кафолатлаб қолмай, шу билан бирга жамиятда кўзга ташланаётган бир қатор ижтимоий муносабатларни қисман ва тўлақонли ҳал этилишига имкон берган бўларди.

## **“МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ” ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ – ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ислохотлар таълим тизимининг тубдан янгиланиши ҳамда мазмунан бойишини таъминлади. Жамиятда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда бир қатор янги ўқув фанларини ўқитишнинг йўлга қўйилганлиги эса шахсни давр талабларига мувофиқ тарбиялаб вояга етказиш имкониятини юзага келтирди. Илм-фан, техника ва технологиянинг тезкор ривожланиши, маиший турмуш шароитининг яхшиланиши, қишлоқ ва шаҳар ҳаётининг бир-бирига яқинлашуви, инсон томонидан табиатга кўрсатилаётган салбий таъсир доирасининг тобора кенгайиши, ахборот-алоқа алмашувининг такомиллашуви, шунингдек, компьютер ва мураккаб техникалар хизматининг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида устувор ўрин тутиши кишилик муносабатларида ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Носоғлом турмуш кечириш (спиртли ичимликка ва гиёҳванд моддаларга рўжу қўйиш, тартибсиз жинсий ҳаёт), девиант хулққа эғалик, ижтимоий масъулиятсизлик кабиларни салбий ҳолатлар сирасида келтириш мумкин.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш аҳоли, шу жумладан, ёшлар ўртасида кенг кўламли ижтимоий фаолиятни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Ижтимоий педагогика” ўқув фанининг ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялашдаги роли катта.

Айни вақтда педагогика олий таълим муассасаларида “Ижтимоий педагогика” ўқув фани негизида талабаларни ижтимоий педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Мазкур ҳаракатлар доирасида бўлажак тарбиячиларда мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ҳаётида оила билан бир қаторда мактабгача таълим муассасалари муҳим ўрин тутди. Мактабгача таълим муассасалари “... бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди”<sup>2</sup>.

Бола шахсининг соғлом ва етук бўлиб камол топиши мактабгача таълим муассасалари фаолиятида самарадорликка эришишда уларнинг моддий-техник таъминоти, педагог кадрларнинг салоҳияти, таълим-тарбия йўналишлари, педагогик жараён мазмуни, шунингдек, тарбиячилар ва

---

<sup>2</sup> Ўқувчи шахсини шакллантириш /Тузувчилар: Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Саидов. Нашр учун масъул Ж.Ф.Йўлдошев. – Тошкент: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 10-бет.

тарбияланувчилар ўртасида қарор топган соғлом психологик муҳит устувор аҳамиятга эга.

Гарчи ташқи омиллар (жумладан, таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти)ни яратишда давлат ҳамда жамиятнинг бевосита иштироки кузатилса, ички омиллар (мас., малакали педагогларни муассасага жалб этиб, жамоада соғлом психологик муҳитни қарор топтириш, таълим-тарбия ишлари мазмунини замон талабларига мувофиқ янгилаш, педагогик жараёни ташкил этишга ижодий ёндашиш кабилар) мавжудлигини таъминлаш мактабгача таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув маҳоратлари ва педагогик жамоанинг саъи-ҳаракатларига боғлиқдир.

Сўнги йилларда ижтимоий ҳаёт суръатининг тезлашуви натижасида мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг физиологик-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни мазмунан мураккаб, кўпқиррали ҳамда ички рақобатга асосланувчи ижтимоий муносабатлар жараёнига тайёрлаш эҳтиёжи юзага келди. Ривожланган хорижий мамлакатлар (мас., Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ ҳамда Япония кабилар)нинг тажрибалари ва бир қатор педагогик-психологик тадқиқотларнинг натижалари ушбу эҳтиёжни таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни йўлга қўйиш орқали қондириш мумкинлигини кўрсатмоқда<sup>3</sup>.

Танланган муаммо ечимини топишга йўналтирилган илмий-педагогик фаолият жараёнини ёритишда устувор бўлган тушунчалар моҳиятини тўғри англаб олиш тадқиқот йўналишини тўғри белгилашга имкон беради. Айни ўринда: ижтимоийлашув, ижтимоий-педагогик фаолият, ижтимоий-педагогик фаолият кўникмалари, ижтимоий-педагогик фаолият малакалари, ижтимоий-педагогик ахлоқ, касбий тайёргарлик, касбий тайёрлаш кабилар таянч тушунчалар саналади.

“Ижтимоийлаштириш” тушунчаси “Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат”да қуйидагича шарҳланган: “жамиятнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган намунали хулқ, психологик механизм, социал норма ва қадриятларни ўзлаштириш жараёни”<sup>4</sup>. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса “ижтимоийлашмоқ” тушунчаси “ижтимоий тус олмоқ”<sup>5</sup> маъносини англатилиши кўрсатилган. Ижтимоий тус олиш тушунчанинг умумий моҳиятини очиқ беради. Бироқ, ижтимоий-фалсафий, педагогик ва психологик нуқтаи назардан таҳлил этилганда тушунча мазмунини кенгроқ, батафсил ёритиш тақозо этилади. Зеро, “ижтимоий тус олиш” айнан натижани ифодалашга хизмат қилади. Шахснинг ижтимоийлашувида ва

<sup>3</sup> Мудрик А.В. Основы социальной педагогики. – М.: АСАДЕМА, 2006. – С. 102.

<sup>4</sup> Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат // Масъул муҳаррир А.Жалолов. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 173-бет.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Е – М. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 178-бет.

айнан педагогик талқинда натижадан аввал жараённинг моҳияти, унинг кечишини ўрганиш, таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

А.В.Мудрик мазкур тушунча моҳияти “маданиятни ўзлаштириш ва қабул қилиш жараёнида инсоннинг ривожланиши ҳамда ўз-ўзини ўзгартириб бориши”дан иборатлигига эътиборни қаратиб, ижтимоийлаштиришнинг асосий босқичлари қуйидагилар эканлигини кўрсатади:

1. Болалик даври: 1) чақалоқлик (туғилгандан 1 ёшгача); 2) илк болалик (1-3 ёш); мактаб ёшигача бўлган болалик (3-6 ёш); 3) кичик мактаб ёши (6-10 ёш).

2. Ўсмирлик даври: кичик ўсмирлик ёши (10-12 ёш); катта ўсмирлик ёши (12-14 ёш).

3. Ёшлик даври: илк ўспиринлик ёши (15-17 ёш); ўспиринлик ёши (18-23 ёш); ёшлик (23-30 ёш).

4. Етуклик ёши: илк етуклик ёши (30-40 ёш); етуклик ёши (40-55 ёш); қарилик ёши (55-65 ёш).

5. Кексалик ёши: кексалик (65-70 ёш); нуронийлик ёши (70 ёшдан юқори)<sup>6</sup>.

Бизнинг назаримизда, муаллиф томонидан шахснинг ижтимоийлашув даври тўғри кўрсатилган. Бироқ, бу ўринда етуклик ёш даврларининг муайян босқичи сифатида 30-60 ёшларни ўз ичига олади. Мазкур даврда инсон “жисмоний жиҳатдан тўла ривожланади, камолотга эришади”<sup>7</sup>. Айнан бу даврда у ижтимоий жиҳатдан фаоллашади ва жамият тараққиётини таъминловчи асосий куч сифатида намоён бўлади. 60 ёшдан кейин эса ўрта ҳисобда олганда аҳолининг физиологик, жисмоний ҳамда ижтимоий фаоллигида пасайиш юзага келиб, организм фаолиятининг аста-секин заифлаша бориши<sup>8</sup> типик хусусият касб этади. Мазкур ҳолат, бир гуруҳ шахсларнинг ижодий фаолликларини инobatга олмаганда кексаликнинг асосий белгиси бўлиб қолади.

Р.С.Немов эса шахс ижтимоийлашувининг бевосита таълим ва тарбия таъсири остида рўй берувчи жараён ва натижа эканлигига алоҳида урғу беради: бола томонидан психологик-ақлий ва шахсий ривожланиш хусусиятларига кўра ижтимоий тажрибаларнинг ўзлаштирилиши, яъни таълим ва тарбия таъсирида психологик функцияларининг такомиллашуви, ижтимоий-ахлоқий кадриятлар, хулқ-атвор меъёр ва қоидаларнинг ўзлаштирилиши, дунёқарашининг бойиш жараёни ва натижаси<sup>9</sup>.

Дарҳақиқат, шахснинг ижтимоийлашувида ижтимоий, психологик ва педагогик омилларнинг таъсири муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бизнинг назаримизда Р.С.Немовдан фарқли равишда шахс ижтимоийлашувида унинг

<sup>6</sup> Мудрик А.В. Основы социальной педагогики. – М.: АСАДЕМА, 2006. – С. 7-8.

<sup>7</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Е – М. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. -20-бет.

<sup>8</sup> Ўша манба, – 344-бет.

<sup>9</sup> Немов Р.С. Психология. Книга 2. Психология образования. – Москва: Владос, 2000. – С. 598.

психологик функциялари такомиллашуви муҳим эканлигини инкор этмаган ҳолда глобаллашув шароитида ижтимоий-ахлоқий қадриятлар, хулқ-атвор меъёр ва қоидаларнинг ўзлаштирилиши, дунёқарашнинг бойиши етакчи ўрин тутишини қайд қилмоқчимиз.

Ижтимоийлашув инсоннинг маданият, коммуникация таъсири остида шаклланиш жараёни, бир-бирлари билан мулоқотда бўлишларини ифодалайди<sup>10</sup>. Ижтимоий-фалсафий, психологик ва педагогик тадқиқотлар жараёнида шахс ижтимоийлашувига хос бўлган қуйидаги ҳолатлар аниқланган:

1) шахснинг ижтимоийлашувида айрим даврларнинг ва бир даврдан иккинчи даврга ўтиш жараёнида рўй берувчи ижтимоий омиллар (мега омиллар, макро омиллар, мезо омиллар, микро омиллар) , воқеликлар ҳамда уларнинг таъсири етакчи ўрин тутди (Ж.Пиаже, А.В.Мудрик);

2) боланинг камол топиши, шахс бўлиб шаклланишида ижтимоий, хусусан, ота-оналар ва бола ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўзаро ҳиссий бирлиги муҳим аҳамиятга эга (З.Фрейд);

3) шахс муайян схемалар ҳамда когнитив тузилмалар ёрдамида бошқарилади; шу сабабли унинг ана шу схема ва когнитив тузилмаларга мослашуви ижтимоийлашув моҳиятини англатади (Ж.Пиаже);

4) шахс ижтимоий таъсирлар ёрдамида илмий билимлар ҳамда кишилиқ маданияти унсурларини ўзлаштиради, уларнинг негизида эса у ақлий жиҳатдан камол топади ва ахлоқий сифатларга эга бўлади – мазкур ҳолат шахс ижтимоийлашувининг устувор жиҳати ҳисобланади (Т.Персонс, Р.Бейла);

5) шахснинг ижтимоийлашуви турли ижтимоий тузумлар, жамият ривожининг муайян даврларида бир хил кечмайди; ҳар бир даври шахснинг ижтимоийлашувида ўзига хос кўринишда намоён бўлади (Р.Бенедикт, М.Мид);

6) ижтимоийлашув болаликкагина хос хусусият бўлмай, шахс ҳаётининг барча даврларини қамраб олади (З.Фрейд, Т.Персонс, Р.С.Немов).

Тегишли манбаларни назарий жиҳатдан ўрганиш ва инсонни ижтимоий мослаштириш жараёнининг умумий моҳиятини таҳлил этиш асосида айтиш мумкинки, **ижтимоий-педагогик фаолият** болалар ва ёшларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, тиббий ва педагогик эҳтиёжларини қондириш, улар учун қулай психологик муҳитни яратиш, шунингдек, оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик томонидан уларга нисбатан кўрсатилаётган салбий таъсирларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш йўлида изчил, мунтазам ва мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи фаолият туридир.

---

<sup>10</sup> Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат // Масъул муҳарир. А.Жалолов. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 173-174-бетлар.

Талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш кўп босқичли жараён бўлиб, унда қуйидаги босқичлар асосий ўрин тутди: 1) бошланғич касбий таълим; 2) олий педагогик таълим; 3) мустақил-малакавий таълим (мустақил таълим ёки малака ошириш таълими).

Бошланғич касбий таълим негизида “Ижтимоий педагогика” асослари асосан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида берилиб, бўлажак мутахассислар ижтимоий-педагогик фаолиятнинг умумий мазмуни, йўналишлари, унинг самарадорлигига таъсир этувчи педагогик шарт-шароитлар ва психологик омиллар, шакл, метод ва воситалари билан танишадилар.

Олий педагогик таълим негизида эса ижтимоий-педагогик фаолиятнинг ташкил этилиш тарихи, ижтимоий муҳитда шахс ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, “Ижтимоий педагогика” категориялари, тамойиллари, соҳада олиб борилган тадқиқотлар, ижтимоий-педагогик фаолият технологияси, ижтимоий-педагогик ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами ва улар билан ишлаш борасидаги назарий ва амалий кўникма-малакалари бойитилади.

Мустақил-малакавий таълим эса мутахассисни соҳада рўй бераётган янгиликлар, ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этишга оид илғор технологиялар, методлар ва ёндашувлар билан доимий танишиб бориш имкониятини яратади.

Педагогика олий таълим муассасаларида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш икки шаклда: 1) мажбурий педагогик таълим (давлат томонидан тасдиқланган ДТС, ўқув дастурлари, ўқув режасига мувофиқ); 2) мустақил таълим олиш (талабаларнинг ўз устиларида ижодий изланишлари) орқали тайёрланади.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида талабалар қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириб боришлари зарурдир: 1) тарбияланувчиларнинг умумий ривожланишларини назорат қилиб бориш; 2) уларнинг соғликларини сақлаш ва салбий таъсирлардан муҳофазалаш; 3) тарбияланувчиларни мактаб таълимига тайёрлаш; 4) уларда ижобий сифатларни шакллантириш; 5) тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси сифатида шакллантириш.

Олий таълим тизимида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларининг ижтимоий-педагогик фаолиятга касбий тайёрликларини таъминлашда: ихтисослик билимлари; ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни, мақсади, ижтимоий педагог зиммасидаги вазифаларни англаш ҳамда ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш имконини берувчи шакл, метод ва воситаларни ўзлаштиришга бўлган рағбат; кадриятли йўналишлар (малакали, етук мутахассис бўлиш; ихтисослик маълумотиغا эгалликни тасдиқловчи дипломга эгаллик; келгусида барқарор иш ва маошга эга бўлиш; ижтимоий ёрдамга муҳтож тарбияланувчиларни ҳаётга тайёрлаш,

уларни салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш йўлида фаоллик кўрсатиш; ижтимоий педагог-тарбиячи сифатида атрофдагиларнинг хурматини қозониш; ижтимоий-педагогик фаолиятнинг жамият томонидан алоҳида қадрланиши ва б.ш.лар); шахсий ва касбий сифатлар; ихтисослик кўникма ва малакалари кабилар асосий таркибий элементлар етакчи ўрин тутати.

Талабаларнинг касбий нуқтаи назардан назарий, психологик ва амалий тайёрликлари олий педагогик таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини белгилашда ўзига хос мезон бўлиб хизмат қилади.

Назарий тайёргарлик талабалар томонидан мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, мактаб таълими, шунингдек, ижтимоий муносабатларга тайёрлаш, ота-оналар, тарбиячилар, тенгдошлар билан тарбияланувчилар ўртасида юзага келувчи зиддиятлар ва уларни ижобий ҳал қилиш йўллари, тарбияланувчиларни турли салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоя қилиш, ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш йўллари, шакл, метод ва воситалари, мактабгача таълим муассасаларининг оилалар билан бола ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларни ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этишга тайёрлашдаги ҳамкорлиги мазмуни, жараённинг фаол субъектлари ва уларнинг зиммаларидаги вазифалар тўғрисидаги билимларнинг пухта ўзлаштирилишдан иборат.


Психологик тайёргарлик мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолиятнинг талаба томонидан ижобий қабул қилиниши; ижтимоий-педагогик фаолият моҳиятини чуқур англаган ҳолда жараённинг равон, бир текис кечмаслиги ва турли муаммоларнинг юзага келиши табиий эканлигини тўғри қабул қилиши ва бу жараёнга руҳан тайёрлиги; талабанинг келгусида мазкур жараёнда шахсан фаоллик кўрсатишига бўлган ишончга эгаллиги; мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга ижодий ёндаша олиш имкониятининг мавжудлиги каби ҳолатларни ифодалайди.

Амалий тайёргарлик эса талабаларнинг мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини ижтимоий муносабатлар жараёни ва мактаб таълимига тайёрлашда тарбиячилар ҳамда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, шунингдек, болаларни салбий ижтимоий таъсирлар (жисмоний зўрлик, ижтимоий камситиш, болалар ҳуқуқларининг поймол этилиши ва ҳ.о.лар)дан ҳимоялаш кўникма ва малакаларининг ўзлаштирилиши билан тавсифланади.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда қуйидаги тамойилларга таяниш кутилган натижани кўлга киритиш имконини беради (1-расм).

Қуйида мазкур тамойилларнинг педагогика олий таълим муассасалари талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнидаги аҳамияти ва моҳияти тўғрисида сўз юритилади.

**Мақсадга йўналтирилганлик тамойили.** Ҳар қандай фаолият муайян



1-расм. Талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг устувор тамойиллари

мақсадни қўзлаган ҳолда амалга оширилади. Мақсаднинг аниқлиги ва муайян объектга йўналтирилганлиги талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг педагогик нуқтаи назардан тўғри ташкил этилиши, шакл, метод ва воситаларнинг тўғри танланиши ҳамда кутилган натижанинг кафолатланишини таъминлайди.

**Жараёнга яхлит, мажмуавий ва технологик ёндашув тамойили.** Педагогик жараён кўп қиррали ва мураккаб бўлиб, унинг кечишига уда кўплаб ижтимоий, иқтисодий ва психологик омиллар ўз таъсирини ўтказди. Шу боис жараёни ташкил этишда барча омилларни инобатга олиш ҳамда уларнинг имкониятини муайян нуқтада тўплаш (мажмуавий ёндашув) унинг самарали яқунланишига шароит яратади. Замонавий шароитда эса талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллагаслик мумкин эмас. Таълимнинг барча замон ва маконларда ҳам жамият тараққиёти билан уйғун бўлганлигини инобатга олган ҳолда талабаларни касбий тайёрлаш жараёнига технологик ёндашув қисқа муддатларда кутилган натижани қўлга киритиш имконини беради.

**Илмийлик тамойили.** Замонавий таълимнинг муҳим белгиларидан бири – унда илмий далилларга асосланган билимларнинг тарғиб этилиши саналади. “Ижтимоий педагогика” фанининг илмий-назарий, методологик ва

методик билимларга асосланиши ҳамда талабаларни мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда уларнинг асос қилиб олиниши мазкур жараёнда илмийлик тамойилининг устувор аҳамиятини тасдиқлайди.

**Узлуксизлик ва тизимлик тамойили.** Ҳар қандай билим узлуксиз ва тизимли ўзлаштирилгандагина мустаҳкамликка эга бўлади. Узлуксизлик “Ижтимоий педагогика” фани ёки ижтимоий ишлар асосларининг узлуксиз таълим тизимининг муайян босқичларида ёки бир босқичдаги таълим муассасаларида семестр-семестр поғонама-поғона ўзлаштирилишини назарда тутди. Бунда дастлаб у қадар мураккаб бўлмаган назарий билимлар талабалар онгига сингдирилиб, юқори босқичларга кўтарилган сари билимларнинг мураккаблашиши ўзига хослик касб этади. Тизимлик ҳам “Ижтимоий педагогика” фани асосларининг талабаларга муайян тизим асосида оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, назарий билимдан амалий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишигача қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

**Назариянинг амалиёт билан бирлиги тамойили.** Ҳар қандай назарий билимнинг аҳамияти унинг бевосита амалиётга тадбиқи билан белгиланади. Амалиётда қўлланилмайдиган билим автоматик равишда ўзлаштирилиб, вақт ўтиши билан унутилади. Назарий билимнинг амалиётда бевосита қўлланилиши, унинг амалий кўникма ва малакаларга айланиши эса билимларнинг мустаҳкам, чуқур бўлишини таъминлайди. Шу сабабли “Ижтимоий педагогика” фани асослари тўғрисидаги назарий билимларни талабалар онгига сингдиришда маъруза, баҳс-мунозара, давра суҳбати каби машғулотларнинг тренинг, амалий семинар, лаборатория машғулотлари ёки педагогик амалиётда қўлланилишига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

**Субъективлик тамойили.** Ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида талабалар нафақат объект, балки фаол субъект сифатида иштирок этадилар. Улар ўзларининг ўқув фаолликлари, ташаббускорликлари ва ташкилотчиликлари билан “Ижтимоий педагогика” фани бўйича ташкил этилувчи машғулотлар жараёнига бевосита ва сезиларли таъсир кўрсатишлари мумкин. Бунда талабаларнинг мустақил билим олиш кўникма, малакаларига, шунингдек, ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш хоҳишига эгаликлари машғулотларнинг жонли, қизиқарли ўтишини таъминлайди.

**Муқобиллик тамойили.** Мазкур тамойил “Ижтимоий педагогика” фани бўйича машғулотларнинг турли шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишини ифодалайди. Муқобиллик машғулотларнинг бир қолипда бўлиб, зерикарли ўтишининг олдини олади. Шу билан бирга талабаларнинг фан асосларини ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини оширади ҳамда уларнинг ўқув фаолликларини юзага келтиради. Бу ўринда машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этилиши янада самарали саналади.

**Индивидуаллик тамойили.** Бу тамойил “Ижтимоий педагогика” фани бўйича ташкил этилувчи машғулотларда ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш кутилган натижаларга эришиш омили эканлигини ифодалайди. Бир гуруҳ талабалар назарий билимларни пухта ўзлаштириш лаёқатига эга бўлсалар-да, амалиётда тарбияланувчилар билан самимий мулоқотни ўрната олмасликлари, аксинча, назарий билимларни муайян даражада ўзлаштиргани ҳолда ўзининг киришувчанлиги, хушмуомалалиги билан иккинчи гуруҳ талабалари қисқа вақт ичида (икки ҳафталик ёки икки ойлик педагогик амалиёт даврида) мактабгача таълим ёши болаларининг “севимли кишиларидан бири”га айлана оладилар. Шу сабабли таълим жараёнида талабаларнинг индивидуал хусусиятларига кўра бир гуруҳ талабаларга уларда мулоқотга киришиш, суҳбатдошини жалб этиш, унинг руҳий кечинмаларини тушуна олиш каби маънавий-ахлоқий сифатларни, иккинчи гуруҳ талабаларига эга назарий билимларни пухта ўзлаштириш, мавуд билимларни мустаҳкамлашга оид топшириқларнинг берилишига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда келгусида мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари билан ишлашда уларнинг индивидуал, шахсий хусусиятларига мувофиқ ёндашиш зарур эканлигини тушунтириш бориш педагогик жиҳатдан фойдалидир.

**Кўргазмалилик тамойили.** Барча давр ва маконларда ҳам таълимнинг кўргазмали бўлиши муҳим аҳамият касб этиб келган. Чунончи, ибтидоий жамоа тузумида ҳам катта ёшли кишилар болаларга дарахтларнинг меваларини териш, ҳайвонларни овлаш каби билимларни ана шу жараёнларни ташкил этиш орқали ўргатиб келганлар. Замонавий шароитда эса ахборот технологиялари (компьютер, телевизор, радио, магнитофон ва видеокамералар) ёрдамида тайёрланган ҳужжатли, ўқув ва вертуал кўрсатувлар ўрганилаётган мавзунинг умумий моҳиятини очиб бериш имкониятига эга. Кўргазмалилик талабаларда мавзу бўйича тасаввурларни ҳосил қилиш, уларнинг аниқлигига эришишга ёрдам беради.

Тарбиячилар мактабгача таълим муассасаларининг асосий субъектлари сифатида болаларнинг ҳар томонлама камол топишларига бевосита ҳисса қўшадилар. Болаларнинг ақлий, жисмоний ва руҳий жиҳатдан тўғри ривожланишлари учун ота-оналар билан бирдек масъул бўлган тарбиячиларнинг педагогик ва психологик билимларни пухта эгаллашлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, улар болаларнинг ёш хусусиятлари, индивидуал ўзига хосликлари, шахсий сифатларини инобатга олиш асосида янги ижобий сифатларни шакллантириш, хулқ-атворлари ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлаётган салбий ҳолатларни бартараф этиш, тарбиячилар ҳамда тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатларида руҳий бирлик, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка эришишда ўзларининг психологик ва педагогик билимларига таяниб иш кўрадилар.

Тарбияланувчиларнинг айримларида жисмоний ривожланишдаги нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг жисмоний ривожланишдаги нуқсонларини бартараф этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилиши лозим. Мазкур жараён уларнинг умумий саломатлиги ҳолатига кўра соғлиқни сақлаш ва болаларни ижтимоий мослаштириш ташкилотлари ёки муассасада фаолият юритувчи тиббиёт ходимлар билан ҳамкорликда ташкил этилади. Болаларнинг мураккаб бўлмаган ва бевосита тегишли мутахассис назоратини талаб этмайдиган жисмоний ҳолатлари мактабгача таълим муассасаларида уларни махсус овқатлантириш, сув, ҳаво ва қуёш нури воситасида чиниқтириш, уларга турли доривор гиёҳлардан тайёрланувчи дамламалар ҳамда жисмоний машқларни тавсия этиш орқали амалга оширилади.

Мактабгача таълим ёши болаларини мактаб таълими ва ижтимоий муносабатларга тайёрлаш тарбиячилар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий мослаштириш фаолиятининг икки муҳим жиҳати саналади.

**Болаларини мактаб таълимига тайёрлаш** – уларда қатъий белгиланган тартибда таълим олиш кўникмалари (белгиланган вақт давомида дарсда ўтира олиш, диққатни ўқитувчи ва ўзлаштириладиган ўқув материалига қаратиш, ўқув топшириқларини бажариш, ўзини бошқариш, тенгдошларига ҳалақит бермаслик ва бошқалар)ни, шунингдек, уларда дастлабки саводхонлик (ўқиш, ёзиш ва санай олиш лаёқати)ни шакллантириш жараёни саналади. Мазкур жараён мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган тарбиячилар, махсус таклиф қилинган мутахассислар томонидан ёки уларнинг биргаликдаги фаолиятлари асосида ташкил этилади.

Ижтимоий муносабатлар мураккаб, кенг қамровли бўлиш билан бирга маълум кўникмаларга эгалликни ҳам талаб этади. Шу сабабли бугунги кунда болаларни ижтимоий муносабатларга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ижтимоий муносабатларга тайёрлаш ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган жараён, ҳам педагогик фаолиятнинг бир кўриниши сифатида тарбиячилардан мутахассислик, педагогик, психологик ва методик билимлар, муайян даражадаги иш тажрибаси, бой дунёқараш ҳамда касбий сифатлар (болаларни сева олиш, уларнинг шахсини ҳурмат қилиш, бағрикенглик, меҳрибонлик, уларни тушуна олиш, ёрдамга тайёрлик ва бошқалар)га эга бўлишни тақозо этади.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён самарадорлигини кўйидаги мезонлар ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид назарий билимларга эгалликлари.
2. Талабаларнинг тарбияланувчиларни ижтимоий мослаштириш борасидаги амалий кўникма ва малакаларга эгалликлари.

3. Талабаларнинг оилаларга методик ёрдам кўрсата олиш қобилиятига эгаликлари.

4. Талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндаша олишлари.

Юқорида билдирилган фикрлар “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг умумий моҳиятини ёритувчи қуйидаги андозани ишлаб чиқишга имкон берди (2-расм).

Демак, мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар томонидан амалга оширилувчи ижтимоий-педагогик фаолият жараёни кўлам жиҳатидан кенг, бир неча йўналишдан иборат бўлиб, алоҳида касбий тайёргарликка эга бўлишни тақозо этади. Мазкур жараёни самарали ташкил этилиши унинг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассислар (мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари)ни тайёрлашда ушбу масалага жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

### **“МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ” ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МАЗМУНИ**

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ижтимоий муносабатларга тайёрлашда уларнинг оила аъзолари, ота-оналар, тенгдошлари ва атрофдагилар билан мулоқотда бўлиш, жамоа жойларида ўзини тута олиш, меҳнат қилиш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, шахсий саломатлиги тўғрисида қайғуриш, яқинларига нисбатан ғамхўр бўлиш, ота-оналари, катталар, шу жумладан, мактабгача таълим муассасаларининг ходимлари меҳнатини қадрлаш каби кўникмаларга эга бўлишларига эътибор қаратилади. Шу эса талабаларнинг нафақат мутахассислик билимларига эга бўлишларини, шу билан бирга умумий педагогика, психология ва маънавий асосларини ҳам чуқур ўзлаштиришларини тақозо этади.


М.А.Галагузова таҳрири остида чоп этилган “Социальная педагогика” (“Ижтимоий педагогика”) ўқув қўлланмасида ижтимоий-педагогик фаолиятни олиб боришга тайёрланаётган талабаларнинг қуйидаги билимлардан хабар бўлишлари зарурлиги кўрсатилган:

- фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси (қонунлар, қонун ости ҳуатлари, қарорлар, кўрсатмалар, ижтимоий педагог фаолиятининг ижтимоий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий асослари, болага ёрдам кўрсатувчи муассасалар тизими);

- ижтимоий педагогика тарихи ва назарияси;

- турли ижтимоий муҳитдаги турли тоифадаги болалар билан ишлашга йўналтирилган ижтимоий-педагогик фаолият методикаси ва технологияси;

- болани, унинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ривожини,



2-расм. “Мақтабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг умумий моҳияти

мўтадил ва турли оғишлар кўзга ташланувчи хатти-ҳаракатларини ўрганувчи ёш психологияси;

- инсонларнинг бирлашма ва гуруҳлари (оила, кичик гуруҳ, мактаб жамоаси, тенгдошлар жамоаси ва б.ш.лар)ни ўрганувчи социология;

- касбий тадқиқотчилик фаолиятни ижтимоий бошқариш ва режалаштириш методлари<sup>11</sup>.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда улар томонидан қуйидаги билимларнинг самарали ўзлаштирилиши мақсадга мувофиқдир:

1) шахснинг ижтимоий камолотини таъминловчи ижтимоий-фалсафий ва психологик билимлар (диалектика қонуниятлари, шахснинг динамик ривожланиши, психологик ривожланиш концепцияларини ёритувчи қарашлар, психологик омиллар ва уларнинг шахс тарбиясига таъсири, психологик зўриқишлар ва салбий ижтимоий омилларни бартараф этиш йўллари, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги руҳий бирлик ва ҳ.о.лар);

2) умумпедагогик билимлар (асосий педагогик ғоялар, концепциялар, қонуниятлар, шу умладан, педагогик ҳодисаларнинг риволаниш қонуниятларини билиш (таълимнинг итимоийлашуви, таълим-тарбия мақсадлари, мазмуни ва услублари, давлат ва жамият талабларининг ижтимоий-иқтисодий вазифалар билан белгиланиши, педагогик жараённинг изчиллиги, яхлитлиги, педагогика назарияси ва амалиётининг диалектик алоқадорлиги, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадлари, мазмуни, услублари ва шакллариининг муштараклиги, тарбияга нисбатан ҳар томонлама ёндашув, боланинг ёшини ва ривожланиш даражаларини ҳисобга олиш ва ҳ.о.лар); педагогиканинг энг муҳим назарий ғоялари, асосий категориялари ва тушунчаларини билиш; асосий педагогик факт (далил)ларни билиш; таълим ва тарбиянинг умумий услуби ҳақидаги амалий билимларни эгаллаш ва б.ш.лар);

3) ихтисослик билимлари (ижтимоий-педагогик фаолият ва мактабгача таълим мазмуни, методикаси ва технологияси, мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилада ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш йўллари, ижтимоий-педагогик ёрдамга муҳтож субъектлар, ижтимоий-педагогик фаолият йўналишлари, муайян йўналишлар, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш мақсади, салбий ижтимоий-педагогик омилларни бартараф этиш шартлари, ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш жараёнида субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик мазмуни, ижтимоий-педагог олдидаги вазифалар, ижтимоий-педагогик таъсир шакли, метод ва воситалари, ижтимоий-педагогик фаолият натижалари); мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга мослаштириш, ижтимоий

---

<sup>11</sup> Социальная педагогика. Курс лекций /Учебное пособие для студ высш.учеб.заведений. Под общ. ред. М.А.Галагузовой. – Москва: Гуманит. изд.центр Владос, 2001. – С. 32.

муносабатлар жараёнида иштирок этиш ва таълим олишга тайёрлаш, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида жисмоний камчиликлар ва салбий хулқ-атворларни тўғрилаш ва ҳ.о.лар);

4) методик билимлар (мактабгача таълим ёши болалари билан мулоқот қилиш, улар ўртасидаги ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш, тарбиячилар, ота-оналар ҳамда катта ёшли оила аъзолари билан мактабгача таълим ёши болалари ўртасида юзага келувчи келишмовчиликларнинг, оила тарбиясидаги зиддиятларнинг олдини олиш, тарбияланувчиларда ижтимоий мулоқот, муносабат ва фаолиятни ташкил этиш кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш; самарали шакл, метод ва воситаларидан фойдаланиш йўллари ва бошқалар).

М.А.Галагузованинг умумий таҳрири остида чоп этилган “Социальная педагогика. Курс лекций” (“Ижтимоий педагогика. Маърузалар курси”) номли ўқув қўлланма<sup>12</sup>да ижтимоий педагог томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган касбий малакалар сирасига:

- баҳоловчи (ижтимоий муҳитда содир бўлаётган ва боланинг ҳолати ҳамда ривоиға салбий таъсир кўрсатаётган араёнларнинг назарий таҳлили, бола ҳолати ва унинг атрофидаги муҳит таҳлили, бола дуч келаётган муаммолар, муайян муаммони ҳал этиш бўйича амалга оширилувчи ҳамкорлик фаолиятининг таҳлили) малакалар;

- башоратловчи (бола муаммоларининг ҳал қилинишини башоратловчи ечимларини ифодаловчи, дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда бола шахси ривожини башоратловчи) малакалар;

- лойиҳаловчи (режалаштирилаётган натижани кўлга киритиш имконини берадиган фаолият мазмунини аниқ белгиловчи) малакалар;

- бажарувчи (ижтимоий педагог фаолияти ҳар бир босқичида ўз-ўзини таҳлил этишни, фаолиятнинг ижобий ва салбий томонларини англашни ҳамда олинган натижаларнинг бола шахсини акс этиш даражасини ва унга тегишли муаммоларнинг ҳал этилишини ифодаловчи) малакалар;

- мулоқот (шахслараро муносабатларни ташкил этиш маданиятини: мақсадга йўналтирилганлик ва диққат билан болани “эшита ва тинглай олиш” малакаси; мулоқот вазиятига кира олиш ва алоқани ўрната олиш малакаси; бола муаммоларини англаш учун зарур бўлган ахборотларни кўра олиш ва далилларни йиғиш малакаси; болага мулоқот вазиятини енгиллаштира олиш, салбий ҳиссий кайфиятда ҳам мулоқотни ташкил этиш ва ривожлантириш малакаси; боланинг оғзаки мулоқоти ва амалий хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва тартибга солиш малакасини ўз ичига олувчи) малакалари киритилган.

---

<sup>12</sup> Ўша манба, - 32-33-бетлар.

Хўш, мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёр мутахассис сифатида талабалар ўзларида қандай сифатларни намоён қила олиши лозим?

М.Г.Давлетшиннинг кўрсатишича, педагогик профессиограмма (касбий таснифнома)да бўлажак педагогларга хос қуйидаги сифатлар акс этиши керак:

- шахсий хислатлар (болаларни яхши кўриш, уларни севиш, меҳнатсеварлик, жамоат ишларида фаоллик ва б.ш.лар);

- касбга хос билимларга эгаллик (таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши, психология асосларини, ёш психологияси ва педагогик психология асосларини билиши ва б.ш.лар);

- ўз касбига хос хислатлар (ҳозирги замон педагогикасининг методологик билимларни эгаллаши, кузатувчанлик, диққат-эътиборни тақсимлай олиши, педагогик фантазиянинг риволанганлиги, педагогик такт ва ҳ.о.лар);

- шахсий-педагогик уддабуронлик (машғулотлар учун зарур материалларни танлай олиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиш, ўқув мақсадларини режалаштира олиш ва б.ш.лар);

- мулоқотга кириша олиш (коммуникативлик) малакага эгаллик (болаларни ўзига алб этишни билиш, болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиш, болалар ва ота-оналар билан ташқаридан алоқа боғлашни билиш ва ҳ.о.лар);

- гностик (билиш) малакаларига эгаллик (болаларнинг асаб-психик тараққиёти дараасини аниқлай олиш, ўзининг тажрибаси ва педагогик фаолияти натижаларини танқидий таҳлил қила олиши ва б.ш.лар);

- ижодий хислатлари (педагогик маҳоратни такомиллаштиришга интилиш, ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қобилияти ва ҳ.о.лар)<sup>13</sup>.

Мазкур таснифда педагогик хислатларнинг мажмуи батафсил кўрсатишга ҳаракат қилинган, бироқ, бу ўринда янада аниқлик талаб этилади. Зеро, касбий сифатларни ёритишда уларнинг икки гуруҳга, яъни касбга хос билим ва ўз касбига хос хислатлар тарзида гуруҳланиши мақсадга мувофиқ эмас. Бизнинг фикримизча, шахсга хос хислатлар назарий билим ва амалий кўникма, малакалар негизида шаклланади. Шу сабабли шахсга хос хислатларнинг билим ва касбга хос хислатлар тарзида гуруҳланиши мантиқий жиҳатдан тўғри бўлмайди.

Манбаларда шахс ва касбий сифатлар мажмуини ифодалашга нисбатан яна турли ёндашувлар мавжуд. Ана шундай ёндашувлардан бири бевосита ижтимоий педагогга хос бўлган шахсий ва касбий сифатларни ёритишга йўналтирилган. Унга кўра ижтимоий педагог ўзида: инсонпарварлик

---

<sup>13</sup> Давлетшин М.Р. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 11-12-бетлар.

сифатлари (меҳрибонлик, альтруизм, ўз кадр-қимматини англаш хиссига эгалик ва б.ш.); руҳий хислатлар (руҳий кечинмалар жараёнини табиий ходиса сифатида қабул қилиш, руҳий ҳолатнинг барқарорлиги, юқори даражада ҳиссий ва иродавий сифатларга эгалик); руҳий баҳолаш сифатлари (ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини баҳолаш); психологик-педагогик сифатлар (мулоқотга киришувчанлик, ўзгаларни тушуна олиш, хушмуомалалик ва ҳ.о.лар)ни намоён эта олиши зарур<sup>14</sup>.

Ижтимоий педагогикага оид манбаларда таълим муассасаларида ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилар эканлиги кўрсатилади:

- ташхислаш;
- башоратлаш;
- мослаштириш;
- қайта тиклаш (коррекцион реабилитация);
- муҳофазалаш;
- олдини олиш (профилактика);
- ижодий ривожлантириш (эврестик)<sup>15</sup>.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар ўз моҳиятига кўра мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолият мазмунида ҳам бевосита ақс этади. Ушбу йўналишларга мувофиқ мактабгача таълим муассасаларида қуйидаги ижтимоий-педагогик вазифалар ҳал этилиши зарур:

1) тарбияланувчиларнинг физиологик ва психологик ривожланиш даражасини ўрганиш ва баҳолаш, уларнинг муайян соҳалар (мас., мусиқа, тасвирий санъат, спорт, рақс, илмий фанлар) бўйича қобилиятларга эгаликларини аниқлаш асосида уларнинг умумий камолоти даражасини ташхислаш;

2) тарбияланувчиларда кўзга ташланувчи қобилият ёки физиологик, психологик ҳолатларини инобатга олган ҳолда уларнинг маълум муддатлар (3, 5 ва ундан ортиқ йиллар)даги ривожланиш даражасини тахмин қилиш (башоратлаш);

3) болаларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларда оила, таълим муассасалари, шунингдек, микро ва макро гуруҳлар (тарбияланувчи мансуб бўлган гуруҳ (ўртоқлари, тенгдошлари давраси) ҳамда ижтимоий муҳит)да ижтимоий муносабатларни ташкил этишга, таълим олишга тайёрлаш (ижтимоий мослаштириш);

4) тарбияланувчиларнинг физиологик ва психологик ривожланишидаги нуқсонларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида махсус фаолиятни йўлга қўйиш (қайта тиклаш);

---

<sup>14</sup> Социальная педагогика. Курс лекций /Учебное пособие для студ высш.учеб.заведений. Под общ. ред. М.А.Галагузовой. – Москва: Гуманит. изд.центр Владос, 2001. – С. 28.

<sup>15</sup> Ўша манба, - 25-бет.

5) болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг жисмоний (тан жазоси бериш, оғир меҳнатга жалб этиш) ва психологик (салбий руҳий таъсир кўрсатиш, кўркитиш, ваҳимага солиш, таъзиқ ўтказиш) жиҳатдан камситилишларининг олдини олиш, уларга нисбатан кўрсатилаётган ҳар қандай зўравонликни бартараф этиш (ижтимоий муҳофазалаш);

6) тарбияланувчиларнинг хулқи (“тарбияси оғирлик”, ҳуқуқбузарлик, ахлоқсизлик) ва жисмоний-руҳий ривожланишдаги оғишлар (жисмоний носоғломлик, руҳий ривожланишда ортда қолиш)нинг олдини олиш (профилактика);

7) тарбияланувчиларда эркин, мустақил фикрлаш, ўйин, таълим ва меҳнат фаолиятларини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш (ижодий ривожлантириш).

Мазкур вазифаларни амалга оширишда умумий тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқдир. А.В.Мудрик томонидан илгари сурилган ғояларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, қуйидаги тамойиллар ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиши учун методологик асос бўла олади:

- ижтимоий тарбиянинг инсонпарварлик ғояларга асосланиши;
- ижтимоий тарбиянинг табиий ва ижтимоий жараёнлар бирлигига асосланиши;
- ижтимоий тарбияда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг устуворлиги;
- ижтимоий тарбияни ташкил этишда умумжамиyat ва шахс эҳтиёжлари ва қизиқишларининг инобатга олиниши;
- ижтимоий тарбиянинг кенг жамоатчилик томонидан амалга оширилиши;
- ижтимоий тарбияни ташкил этишда шахсни ҳар томонлама ривожлантириш;
- ижтимоий тарбиянинг ижтимоий қарашлар бирлиги асосида ташкил этилиши;
- ижтимоий тарбиянинг узлуксиз, изчил, тизимли ва мақсадга мувофиқ ташкил этилиши<sup>16</sup>.

“Мақтабгача таълим” йўналиши талабаларини итимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда улар томонидан келгусида тарбияланувчилар ва оналарга ёрдам кўрсатишда манбалар<sup>17</sup> да қайд этилган қуйидаги йўналишлар бўйича етарли даражадаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

- ижтимоий-ахборот ёрдами (тарбиячиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга психологик, ҳуқуқий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда қўллаб-

<sup>16</sup> Мудрик А.В. Основы социальной педагогики. – Москва: АСАДЕМА, 2006. – С. 109-117.

<sup>17</sup> Мудрик А.В. Основы социальной педагогики. – Москва: АСАДЕМА, 2006; Семенов В.Д. Начала социальной педагогики. – Москва: Пресс-Арт, 1999; Социальная педагогика. Курс лекций /Учебное пособие для студ высш.учеб.заведений. Под общ. ред. М.А.Галагузовой. – Москва: Гуманит. изд.центр Владос, 2001.

қувватлаш, шунингдек, ижтимоий ёрдамни ташкил этиш борасидаги хизматлар кўрсатишга оид масалалар бўйича ота-оналарни ахборотлар билан таъминлаш, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолият ёритишда ўзлари ҳам улардан фойдаланишлари);

- ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам (шахс сифатида тарбияланувчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, турли тоифа ва исмоний имкониятларга эга болаларининг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг муайян ҳуқуқлардан фойдалана олишларини таъминлашда ота-оналар билан ҳамкорлик фаолият юритиш);

- ижтимоий жиҳатдан қайта тиклаш борасидаги ёрдам (салбий ижтимоий таъсирларга дуч келган тарбиячиларни ихтисослашган марказлар, мажмуалар, жамғармалар ва бошқа муассасаларда тарбияланувчиларни руҳий, ахлоқий, ҳиссий ҳолати ва саломатлигини қайта тиклаш хизматларини кўрсатишда фаол иштирок этиш);

- ижтимоий-маиший хизмат (ижтимоий инқироз ёқасида бўлган оилаларда яшовчи тарбияланувчилар учун маиший шарт-шароитларни яхшилаш);

- ижтимоий-иқтисодий ёрдам (ижтимоий ёрдамга муҳтож боқувчисини йўқотган, отаси ёки онасиз (ёки васийсиз) тарбияланувчиларнинг вақти-вақти билан кўрсатиладиган моддий ёрдам, қоплама ёрдам, нафақалар билан таъминланишларига кўмаклашиш);

- тиббий-ижтимоий ёрдам (касал болаларни парваришлаш ва уларнинг саломатлигини тиклаш чора-тадбирларини белгилашда мактабгача таълим муассасасининг шифокорига кўмаклашиш);


- ижтимоий-психологик ёрдам (тарбияланувчилар мансуб бўлган оила ёки кичик ижтимоий муҳитларда қулай иқлимни яратиш);

- ижтимоий-педагогик ёрдам (тарбияланувчиларнинг ота-оналар, тенгдошларлар, тарбиячилар билан муносабатларида юзага келувчи зиддият ва йўл қўйилувчи хатоларнинг олдини олиш).

Фаолият мақсади мактабгача таълим ёши болалари шахсининг ҳар томонлама (ижтимоий, жисмоний, маънавий-ахлоқий, ақлий) ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга ҳисса қўшишдан иборат бўлган тарбиячиларнинг зиммаларига қуйидаги вазифалар юкланган:

- 1) болаларнинг умумий ривожланишларини назорат қилиш;
- 2) уларнинг соғлиқларини сақлаш ва салбий таъсирлардан муҳофазалаш;
- 3) болаларни мактаб таълимига тайёрлаш;
- 4) уларда ижобий сифатларни шакллантириш;
- 5) болаларни ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси сифатида шакллантириш.

Мазкур вазифалар тарбиячилар томонидан ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолиятда қуйидаги йўналишлар устувор эканлигини англатади (3-расм).



3-расм. Тарбиячиларнинг ижтимоий-педагогик фаолияти йўналишлари

Тарбиячиларнинг таълимий вазифалари икки муҳим йўналиш – тарбияланувчиларга таълим бериш (болаларда саводхонликни шакллантириш – ўқиш, ёзиш ва санаш, оддий математик амаллардан хабардор бўлиш, мураккаб бўлмаган машқларни бажариш, у ёки бу хорижий тиллар (фаолият ўзбек тилида олиб бориладиган мактабгача таълим муассасаларининг аксариятида рус ва инглиз тиллари)нинг дастлабки асосларини билиш) ва тарбиялаш (болаларда меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, ўртоқлик, дўстлик, катталарга хурмат, ўзаро ёрдам, ўз-ўзини тутиш, жамоа билан бўлишга интилиш, адолат, муайян ҳаракатларни бажаришга нисбатан масъулият, тартиблилик, озодлик ва бошқа сифатларни шакллантириш) борасидаги амалий ҳаракатларни ташкил этишда кўзга ташланади.

Улар зарур вазиятларда ота-оналарга ҳам методик ёрдам кўрсатадилар. Методик ёрдам тарбияланувчиларга таълим бериш ва уларда маълум сифатларни тарбиялашда оиланинг тарбиявий имкониятларидан тўла фойдаланишга оид педагогик маслаҳатларни беришдан иборат бўлиши мумкин.

Тарбияланувчилар томонидан психологик йўналишда ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолият ҳам муҳим икки жиҳат, яъни болаларни руҳан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг хулки, хатти-ҳаракатларида намоён бўлаётган салбий одатларни, шунингдек, жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни бартараф этиш (тузатиш)га қаратилган ҳаракатларни акс эттиради.

**Рухий қўллаб-қувватлаш** – тарбияланувчиларни турли салбий ижтимоий таъсирлардан муҳофазалаш, уларда мазкур таъсирларга нисбатан иммунитетни кучайтириш, шунингдек, оила ва микромуҳитда улар дуч келаётган зиддиятларни бартараф этишдан иборат. Тарбиячиларнинг болаларни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлай олишлари улардаги ўта таъсирчанлик, жиззакилик, тушкунликка тушиш, руҳан эзилиш, йиғлоқлик,

ўзига бўлган ишончсизлик, агрессивлик, атрофдагилардан нафратланиш, уларга нисбатан муҳаббатли бўлмаслик ва улар билан чиқиша олмаслик каби салбий одатларни бартараф этиш, аксинча, ижобий фазилатлар – хотиржамлик, оила аъзолари, тенгдошлари ва атрофдагилар билан ижобий муносабат ўрнатиш, уларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворларига нисбатан тоқатли, бардошли бўлиш, ҳар нарсадан таъсирланавермаслик, руҳий тушкунликка тушмаслик, ўз-ўзига ишонч каби сифатларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Тузатиш, яъни уларнинг хулқи, хатти-ҳаракатларида намоён бўлаётган салбий одатларни, шунингдек, жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни бартараф этиш мураккаб жараён бўлиб, унинг тўғри ташкил этилиши тарбиячилардан педагогик малака, бой иш тажрибасига эгаликнигина эмас, шу билан бирга иродали, чидамли, сабр-бардошли ва мустаҳкам асаб тизимига эга бўлишни тақозо этади.

Психологик ва педагогик таълимотларда болаларнинг хулқи ва хатти-ҳаракатларида салбий одатларнинг намоён бўлиши уларнинг тарбиясида йўл қўйилган хатолар, оиладаги носоғлом муносабатлар, микромуҳитдаги зиддиятлар ҳамда ижтимоий субъектлар (ота-оналар, оила аъзолари, бегоналар ва хатто тарбиячилар) томонидан кўрсатилаётган зўравонликнинг оқибати сифатида эътироф этилади. Қайд этилган ҳолатлар болаларнинг ҳақоратланишларига сабаб бўлиб, бунинг натижасида уларнинг инсоний кадр-қимматлари оёқ ости қилинади, ғурурлари топталади. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олмаслик уларнинг келажакда ўз кадр-қиммати ни англамайдиган, ғурурсиз, орсиз бўлиб ўсишларига олиб келади. Шу боис мактабгача таълим муассасаларидаёқ болаларни турли салбий ижтимоий таъсирлар, шу жумладан, ижтимоий зўравонлик, зўрликдан муҳофаза қилиш долзарб ижтимоий-педагогик муаммо сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Тарбиячиларнинг ота-оналар, психологлар, тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликка эриша юқорида кўрсатилган вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминлаш билан бирга мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ҳар томонлама ривожланишлари, ижтимоий муносабатларга муваффақиятли мослашишларига ёрдам беради.

Демак, ижтимоий муносабатлар тобора мураккаблашаётган, бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар (оммавий ахборот воситалари орқали ижтимоий ахлоққа зид ҳолатларнинг намоёиш этилиши, болалар жиноятчилигининг ортиб бориши, болалар кучини эксплуатация қилиниши, экологик хавфнинг кучайиши натижасида турли юқумли касалликларнинг кўпайиши, турли минтақаларда уруш ҳаракатларининг бориши ва ҳоказолар) сони ортиб бораётган мавжуд шароитда болаларни ижтимоий муносабатларга мослаштириш эҳтиёжи юзага келди. Мактабгача таълим муассасаларида йўлга қўйилувчи ижтимоий-педагогик фаолият тарбияланувчиларнинг умумий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш ва бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур

фаолият бир неча йўналишларда амалга оширилиб, уларнинг ҳар бирида аниқ педагогик вазифалар ҳал этилади.

## **ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЛАБАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ**

Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида бўлгани каби олий таълим муассасаларида ҳам бўлажак мутахассисларни тайёрлашда таълим жараёни етакчи ўрин тутди. Зеро, таълим “тизимли билим олишнинг энг муҳим ва ишончли усулидир. Таълимга икки томонлама алоқа (таълим олиш ва таълим бериш), шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва бошқа хусусиятлар хосдир. Таълим, шунингдек, ўзига хос хусусиятлар ҳам эга. Таълим ўқитувчи томонидан бошқарилувчи ўзига хос англаш жараёнидир. Ўқитувчининг йўналтирувчи сифатидаги роли ўқувчиларнинг ақлий ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминловчи билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштириш олишларида кўринади”<sup>18</sup>.

Педагогика олий таълим муассасаларида, шу жумладан “Мактабгача таълим” йўналиши бўйича талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш муваффақияти мазкур жараёнда психологик-педагогик ва турли дидактик воситалардан мақсадга мувофиқ ва унумли фойдаланиш ҳисобига таъминланади.

Дидактик ва психологик-педагогик воситалар сирасида ўқув машғулотларини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Агарда талабаларнинг “Ижтимоий педагогика” фани асослари, мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш йўллари, муаммолари ва асосий йўналишлари тўғрисидаги назарий билимларини оширишда маъруза, семинар, баҳс-мунозара, давра столи каби ўқув, шунингдек, рефератлар, курс ишлари ҳамда битирув малакавий ишларни тайёрлашга йўналтирилган ижодий, тадқиқотчилик машғулотлари устувор ўрин эгалласа, тренинглари, беллашувлар, лаборатория машғулотлари, ишбилармонлик ўйинлари ҳамда педагогик амалиёт талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали йўлга қўйишга имкон берувчи амалий кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида “Ижтимоий педагогика” фанининг ўқитилиши Давлат таълим стандартлари, ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ амалга оширилади. Тадқиқотни олиб бориш даврида:

1) таълим жараёнининг “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг дидактик имкониятларини

---

<sup>18</sup> Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. Олий таълим муассасалари учун дарслик /М.Х.Тохтаходоева ва бошқ. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 76-бет.

ўрганиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда янги имкониятларни излаб топишга;

2) таълим жараёнининг: режалаштириш; ташкил этиш; бошқариш; назорат ҳамда натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш каби босқичларини методик жиҳатдан тўғри ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Педагогика олий таълим муассасаларида, шу жумладан, “Мактабгача таълим” йўналиши бўйича талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш муваффақияти мазкур жараёнда психологик-педагогик ва турли дидактик воситалардан мақсадга мувофиқ ва унумли фойдаланиш ҳисобига таъминланади. Бугунги кунда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида “узлуксиз таълимни фан, ишлаб чиқариш ҳамда жаҳон илм-фани ва таълими билан интеграциялашуви рўй бераётган ҳозирги шароитда ўқув предметларига интеграцион ёндашиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, замонавий ахборот технологияларининг глобаллашуви шароитида фан ва техника ахборотларини тифизлаштириш устида изланиш олиб борилаётган бўлса, педагогика фанида бу тажриба ўқув материални “йирик блокли” ва интеграцион ёндашув асосида ўрганиш орқали ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда<sup>19</sup>.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда республика таълим тизимида: дастурий таълим, модул таълими, муаммоли ўқитиш, ривожлантирувчи таълим, табақалаштирилган таълим, ҳамкорлик таълими, интерфаол таълим ҳамда ўйин технологиялари каби илғор педагогик технологиялардан фойдаланилмоқда.

Тажриба-синов ишлари “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда: 1) дастурий таълим; 2) модул таълими; 3) муаммоли ўқитиш; 4) ривожлантирувчи таълим; 5) интерфаол таълим; 6) ўйин технологиялари каби илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади.

Қуйида замонавий таълим турларидан “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида фойдаланиш имкониятларига тўхталиб ўтилади.

I. Педагогика олий таълим муассасаларида дастурий таълим талабаларнинг ички эҳтиёж ва қизиқишлари, маълумот даражаси ҳамда фаннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўлланилади. Муайян дастурга мувофиқ таълимни ташкил этишда “Мактабгача таълим” йўналиши талабалари келгусида касбий фаолиятни ташкил этишда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Тажриба-синов ишлари даврида дастурий таълимни ишлаб чиқиш ва унга

---

<sup>19</sup> Маҳкамов С. Ижтимоий фанларни ўрганишга интеграцион ёндашув – дарс самарадорлигини ошириш омили // Халқ таълими ж. – Тошкент: 2004. 5-сон. – 48-бет.

мувофиқ талабаларни мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда келгусида улар дуч келиши мумкин бўлган муаммолар аниқланди. Талабаларнинг педагогик амалиётдаги иштироклари, ўқув ва ижтимоий фаолликларини таҳлил этиш орқали бу каби муаммолар куйидагилардан иборат бўлиши мумкинлиги аниқланди:

- тарбияланувчиларга индивидуал ёндашув асосида уларнинг шахсий, психологик ва ёш хусусиятларини яхши билмасликлари;

- тарбияланувчилар дуч зиддият ва психологик зўриқишдан тўла хабардор бўлмаслик;

- тарбияланувчилар билан муносабатда авторитар бошқарув усулига асосланиш;

- ота-оналар билан мустақам алоқа ўрната олмасликлари;

- мактабгача таълим ёши болалари билан ишлаш методикасидан етарли даражада хабардор бўлмаслик;

- педагогик, психологик ва методик билимларни ўзаро мувофиқлаштира олмаслик.

Аниқлаб олинган муаммолардан келиб чиққан ҳолда асосий ўқув дастурига қўшимча равишда “Талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш” дастури ишлаб чиқилди. Дастурдан куйидаги мавзулар ўрин олди: мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни ва йўналишлари; мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш муаммолари; тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатларга тайёрлашда миллий кадриятларга таяниш; тарбияланувчиларни салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш чора-тадбирлари; мактабгача таълим ёши болаларини мактаб таълимига тайёрлаш; оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш шакллари; тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид метод ва воситалар.

II. Модул таълими илғор педагогик технологиялардан бири бўлиб, талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун кенг имконият яратади. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини мустақил таълим олишга рағбатлантириш, уларда таълимга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш, уларни ижтимоий-педагогик фаолият, мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари билан яқиндан таништириш, шунингдек, уларнинг фаолиятини назорат қилиш мақсадида тажриба-синов ишлари даврида модул таълимидан фойдаланилди.

Сўз юритилаётган таълим тури чегараланмаган вақт оралиғида талабаларнинг “Ижтимоий педагогика” фани асослари ва ижтимоий-педагогик фаолият мазмунини чуқур ўрганишларида масофадан ўқитиш ва мустақил ўқиб-ўрганиш имкониятини яратувчи муҳим аҳамиятга эга.

Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган ижтимоий-педагогик фаолият ҳам ҳар қандай фаолият каби муайян босқичларда ташкил

этилади. Унинг мазмуни эса муайян ҳужжатларда акс этади. Шу сабабли тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларда ижтимоий-педагогик фаолият мазмунини акс эттирувчи ҳужжатларни юритиш малакаларини шакллантириш зарур деб топилди.

Талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган ижтимоий-педагогик фаолият мазмунини ёритувчи ҳужжатлар тўғрисида назарий ҳамда амалий билимларга эга бўлишлари ҳам муҳим саналади. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишда модел таълимини қўллаш катта имкониятларни яратади. Унга кўра “Мактабгача таълим” йўналиши талабалари мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган ижтимоий-педагогик фаолият моҳиятини ёритувчи махсус ва ташкилий-методик ҳужжатлар тўплами бўйича маълумот берувчи нашр ҳамда компьютер материаллари таъминландилар. Махсус ва ташкилий-методик ҳужжатлар тўплами диссертант томонидан тайёрланган ҳамда Д.Й.Маҳмудова<sup>20</sup>нинг тадқиқотида келтирилган маълумотлар асосида шакллантирилди. Мазкур тадқиқотда психологик хизмат моҳияти ёритилганлиги сабабли ташкилий-методик ҳужжатлар таркибий тузилмаси ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни нуқтаи назаридан муайян тарзда ўзгартирилди. Талабалар эътиборига тарбияланувчиларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишга оид хулосадан кўчирма; ижтимоий-педагогик тавсифнома; тарбияланувчилар (ёки уларнинг ота-оналари)га кўрсатиладиган ижтимоий-педагогик ёрдам харитаси; ижтимоий-педагогик ёрдам баённомаси; ривожланиш харитаси ҳамда ойлик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлар лойиҳаси каби ҳужжатлардан иборат тўплам ҳавола этилди.

Амалий машғулотларида талабаларда мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид махсус ва ташкилий-меърий ҳужжатларни юритиш малакалари шакллантирилди.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш даврида талабаларга қуйидаги мавзулар бўйича материаллар блоklar шаклида етказиб берилди (1-жадвал).

III. Муаммоли ўқитиш замонавий таълим моҳиятини акс эттирувчи илғор педагогик технология ҳисобланади. Таълим амалиётида ундан фойдаланиш таълим олувчиларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш ва маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилади<sup>21</sup>.

Олий таълим тизимида мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш жараёнини муаммоли тарзда очиб бериш талабаларни ижодий

---

<sup>20</sup> Маҳмудова Д.Й. Махсус таълим муассасалари тарбияланувчиларига психологик хизмат кўрсатишнинг амалий жиҳатлари (Методик тавсиянома). – Тошкент: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ, 2007. – 9-21-б.

<sup>21</sup> Хурвалиева Т.Л. Мактаб амалиётчи-психологлари малакаларини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари (илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш мисолида): Пед.фанл.номз. ... дисс. – Тошкент: 2007. – 35-36-бетлар.

Модул таълими асосида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини  
ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни

Блоклар	Ўқув материалларининг мазмуни
1-блок	Тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатларга тайёрлаш йўллари
2-блок	Тарбияланувчида коммуникатив малакаларни шакллантириш йўллари
3-блок	Тарбияланувчиларни ўйинлар воситасида ижтимоий муносабатларга тайёрлаш
4-блок	Тарбияланувчиларни салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш чоралари
5-блок	Тарбияланувчиларнинг руҳий зўриқишларнинг олдини олишга қаратилган тренинглар
6-блок	Тарбияланувчиларни мактаб таълимига тайёрлаш
7-блок	Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг таълим олишга психологик тайёргарлик даражасини ўрганиш
8-блок	Оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш шакллари

фикрлашга ундаш билан бирга уларда ўқув фаоллигини ҳам юзага келтиради. Муаммоли вазиятларни ҳал этар эканлар, талабалар масалага ҳар томонлама ёндашиб, оқилона ечимни топишга уринадилар. Бу жараёнда улар ўз-ўзидан “Ижтимоий педагогика” ҳамда “Мактабгача таълим педагогикаси” фанлари бўйича ўзлаштирилган мавжуд билимларга таянадилар. Бу эса билимларни мустаҳкамлаш билан бирга янги билимларни ўзлаштиришга нисбатан эҳтиёжни юзага келтиради.

Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш методи муаммоли ўқитишда энг кўп қўлланилади. “Мазкур методни қўллаш орқали талабалар маълум муаммони ҳал қилишда бир неча вариантларни илгари суриш, уларнинг амалий қийматини баҳолаш, илгари сурилган муқобил вариантлар орасидан энг мақбулини танлаш малакаларини ўзлаштирадилар”<sup>22</sup>.

Тажриба-синов ишлари жараёнида талабалар эътиборига келгусида ота-оналарга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишда ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги муаммоли вазиятлар ҳавола этилиб, уларни ҳал қилиш вазифаси топширилди:

I. Болалигида олган жароҳати туфайли 6 ёшли Нодирнинг оёғи оқсайди. Тенгдошлари билан ўйнаш вақтида оёғининг оқсаши ноқулайликларни келтириб чиқаради. Мусобақа кўринишидаги ўйинларда жамоанинг мағлубиятига кўп ҳолатда Нодирнинг оқсоқлиги, тез чопа олмаслиги сабаб бўлади. Тенгдошлари Нодирдан аччиқланиб, уни қийишди, баъзан ўйинда иштирок этишга йўл қўймайдилар. Аммо қачон

<sup>22</sup> Ўша манба, - 36-бет.

Нодирни ўйинга қўшилишга чақирсалар, бу бажону дил рози бўлади. Бироқ, мағлубиятлари учун болалар яна уни койийдилар, оқибатда у йиғлайди. Эртаси куни эса болаларнинг койишларини ёддан чиқариб, яна улар билан ўйнашни хоҳлайди. Бу ҳол узоқ давом этди. Кунлардан бир кун эса Нодир кўчага чиқишдан, болалар билан ўйнашдан бош тортди. Ўғлининг ҳаракатидан ташвишланган онаси уни кўчага чиқиб, болалар билан ўйнашга ундади. Аммо Нодир бундан қатъият бош тортди ва болалар билан ўйнагандан кўра уйда ўтириш унга маъқуллигини айтди.

1. Сизнингча, Нодир ўз кадр-қимматини англаганлиги учун болалар билан ўйнашдан воз кечдими ёки бошқа сабаб биланми?

2. Нодирнинг руҳиятидаги ўзгаришни ижобий баҳолаш керакми ёки салбий?

3. Нодирга қандай ёрдам зарур?

II. Отаси 5 ёшли Равшанга шашка ўйнашни ўргатди. Табиийки, ўйинларда отаси Равшанга ён беришни истамас, натижада у мағлуб бўларди. Бундан унинг жаҳли чиқарди. Бироқ, эртаси кун отасининг олдида шашкаларни кўтариб келар ва бирга ўйнашни сўрарди. Аммо кейинроқ у отасидан шашка ўйнашни сўрамай қўйди. Отаси шашка ўйнашни таклиф қилганида Равшан таклифни рад этди. Отаси нега шашка ўйнашни истамаётганлигининг сабабини сўраганда, у ўзидан кичик ва шашкани унга караганда ёмон ўйнайдиган кўшни болалар билан ўйнашини айтди.

1. Равшаннинг хатти-ҳаракатларида қандай руҳий ҳолат акс этади?

2. Отасининг хатти-ҳаракатлари педагогик жиҳатдан нотўғрими?

3. Равшан тутган йўл унинг учун фойдалими?

IV. Ривожлантирувчи таълим ҳам илғор педагогик технологиялар сирасига кириб, таълим олувчиларнинг “ички имкониятларини рўёбга чиқаришга”<sup>23</sup> ёрдам беради. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини итимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида ривожлантирувчи таълимнинг амалий тренинглари ва мустақил таълим каби турларидан кенг фойдаланилди.

Амалий тренинглари ўз моҳиятига кўра муайян фаолият юзасидан мавуд назарий билимлар негизида кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилади. “Глобаллашув шароитида таълим тизимида ҳам амалий тренингларидан фойдаланиш янада оммалашди”<sup>24</sup>. “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш даврида амалий тренинглари ёрдамида уларнинг қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлишлари таъминланди:

1) ижтимоий-педагогик фаолият моҳиятини ёритувчи махсус ва ташкилий-методик ҳужжатларни юритиш;

2) тарбияланувчилар, ота-оналар ҳамда тарбиячилар жамоасига ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш;

<sup>23</sup> Ўша манба, - 41-бет.

<sup>24</sup> Ўша манба, - 42-бет.

- 3) тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатларга тайёрлаш;
- 4) мактабгача таълим ёши болаларининг мактабга психологик тайёрлик даражасини ташхислаш;
- 5) тарбияланувчиларни жисмоний ва руҳий жиҳатдан мактаб таълимига тайёрлаш;
- 6) тарбияланувчиларнинг нутқини ўстириш, уларда саводхонлик ва математик тасаввурларни ривожлантириш;
- 7) тарбияланувчиларни турли салбий ижтимоий омиллардан ҳимоялаш;
- 8) тарбияланувчиларда турли таъсирлар, фавкулотда вазиятлар туфайли юзага келган психологик зўриқишларни бартараф этиш;
- 9) имконияти чекланган тарбияланувчиларни руҳан қўллаб-қувватлай олиш;
- 10) мустақил таълим олиш, ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни олиб бориш.

Амалий тренинглари даврида талабаларнинг эътиборлари тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатларга тайёрлашда қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилди:

1. Тарбияланувчилар онгида яхшилик ва адолат, яқинларга, барча тирик мавжудотга муҳаббат, ижодкорлик, ўзаро бир-бирини тушуниш каби тушунчаларни сингдириш.

2. Уларнинг ўз олдиларига муаммоли вазиятлардан мустақил чиқа олиш, чиқиш йўллари қидириш, атрофдаги кишилар билан мулоқот қилишни ўрганиш, ҳаёт мазмуни ва ҳаётини мақсадни аниқлаб олиш.

3. Атроф-муҳитни, инсонларни, уларнинг катта имкониятларга эгалликларини, исмоний ва маънавий хусусиятларини, жамиятдаги ҳуқуқ ва бурчларини англашга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш.

4. Ўзининг кадр-қиммати, ғурурини, мустақиллигини ва ўзига бўлган ишончли англаш ҳиссига эгаллик.

5. Тарбияланувчиларда катта ва кичик гуруҳларда, тенгдошлар орасида, оилада, меҳнат қилиш жараёнида, таълим муассасаларида болалар билан мулоқот қилиш истаги ва малакасини ҳосил қилиш.

Тарбияланувчиларни мактаб таълимига тайёрлаш мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мактаб таълимига тайёрлашда эса ижтимоий мослашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга. В.Г.Харчев ўзининг “Социология асослари” номли асарида ижтимоий мослашувнинг иккита шаклини кўрсатади: 1) ижтимоий мослашув ёки субъектнинг сушт ҳолда муҳит билан қўшилиши, ижтимоий талабларга мувофиқ ҳаракатланиши; 2) интеграция (қўшилиш) субъектнинг танлаш ҳуқуқи ва муҳитга таъсир кўрсата олиш лаёқатига эгаллиги натижасида муҳит билан фаол аралашуви, ижтимоий талабларни онгли равишда бажаришга киришиши.

Мактаб таълимига ижтимоий мослаштириш мураккаб жараён бўлиб, тарбияланувчиларнинг мазкур жараёнга психологик нуқтаи назардан тайёр бўлишларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли тажриба-синов ишлари даврида тренинглар ёрдамида талабалар тарбияланувчиларнинг мактаб таълимига нисбатан психологик тайёрликларида қуйидаги ҳолатлар акс этишидан хабардор бўлдилар:

- тенгдошларининг нутқини, тушунтиришларини ва жавобларини тинглай олиш малакасига эгалик;
- тегишли қоидаларга амал қилиш малакасига эгалик;
- намунадагидек хатти-ҳаракатларни амалга ошириш малакасига эгалик;
- катталарнинг кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилиш малакасига эгалик;
- ўқувчилар гуруҳи билан ишлаш малакасига эгалик<sup>25</sup>.

V. Таълим жараёнида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларида “ўқув фаоллигини юзага келтириш ва уларда психологик хизматни тўғри, самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилувчи таълим турларидан яна бири – бу интерфаол таълим саналади. ... Интерфаол таълим – бу “ўқитувчи – талабалар” ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатликка асосланувчи таълим шакли бўлиб, талабалар томонидан ўқув материалларининг тезкор ва самарали ўзлаштирилишини таъминлайди.

Интерфаол таълимда фаол қўлланилувчи методлар сифатида “Мактабгача таълим” йўналиши талабалари баҳс-мунозаралар, муаммоли вазиятларни ҳал қилиш, амалий тренинглар, ролли ўйинлар, ишбилармонлик ўйинлари, дебатлар, интервью, намойиш (ёки ҳимоя) ва ўзига хос шартларга эга интерфаол методлар билан етарли даражада таниш бўлишлари мақсадга мувофиқдир<sup>26</sup>.

Талабаларда мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид махсус ва ташкилий-меърий ҳужжатларни юритиш малакалари шакллантиришга йўналтирилган ҳаракатлар интерфаол методлар ёрдамида амалга оширилди. Бу жараёнда “5x5x5” (“6x6x6”), тренинг, кичик гуруҳларда ишлаш ва намойиш каби интерфаол методлар қўлланилиб, у қуйидагича кечди: тажриба гуруҳларининг ҳар бирида талабалар 5 (ёки 6) нафардан гуруҳларга бириктирилдилар. Гуруҳлар турли 5 (ёки 6) хил тасвирлар туширилган карточкаларнинг талабалар томонидан танланиши асосида шакллантирилди. Ҳар бир гуруҳга қуйидаги махсус ёки

---

<sup>25</sup> Подготовка детей к школе в детском саду / Под ред. Ф.А.Сохина, Т.В.Тарунтаевой. – Москва: Педагогика, 1997. – С. 59.

<sup>26</sup> Хурвалиева Т.Л. Мактаб амалиётчи-психологлари малакаларини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари (илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш мисолида): Пед.фанл.номз. ... дисс. – Тошкент: 2007. – 46-48-бетлар.

ташкилий-методик ҳужжатларнинг моҳияти ва лойиҳаларини ёритувчи матнлар топширилиб, уларни ўрганиб чиқиш вазифаси юкланди:

1-гуруҳга: ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишга оид хулосадан кўчирма;

2-гуруҳга: ижтимоий-педагогик тавсифнома;

3-гуруҳга: тарбияланувчилар (ёки уларнинг ота-оналари)га кўрсатиладиган ижтимоий-педагогик ёрдам харитаси;

4-гуруҳга: ижтимоий-педагогик ёрдам баённомаси;

5-гуруҳга: ривожланиш харитаси

6-гуруҳга: ойлик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлар лойиҳаси.

Маълум вақт ичида гуруҳлар ҳужжатларни ўрганиб чиққанларидан сўнг гуруҳлар қайта шакллантирилди. Қайта шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирига аввалги гуруҳларнинг бир нафар аъзоси жалб этилди. Ҳар бир талаба янги гуруҳ аъзоларига аввалги гуруҳда ўрганган материал мазмуни ҳақида маълумотлар берди. Бу тарзда йўл тутилиши материалларни қисқа муддатда ва тезкор ўзлаштирилишини таъминлайди.

Тренинг машғулотларида мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолият моҳиятини ифодаловчи махсус ва ташкилий-методик ҳужжатларни юритиш малакаси талабаларнинг истакларига кўра яқка тартибда, жуфтлик ёки гуруҳ асосида ишлаш орқали ўзлаштирилди. Тажриба гуруҳларининг аксариятида бу топшириқ кичик гуруҳда ишлаш асосида бажарилди. Барча гуруҳлар намойиш этиш методи ёрдамида гуруҳларнинг ишлари билан таништирилди. Бунда гуруҳлар томонидан танланган лидерлар гуруҳ ишининг моҳияти тўғрисида маълумот берди. Машғулотларнинг якунида талабаларнинг фаолликлари уларнинг иштироклари бўйича рағбатлантирилди.

Махсус ва ташкилий-методик ҳужжатларни юритиш кўникма ва малакаларини ўзлаштирганларидан сўнг талабалар тажриба-синов ишларига жалб этилган методист ўқитувчилар ёрдамида билимлари даражасини мустақил баҳолаш ва уларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи назорат топшириқлари билан таъминландилар. Назорат топшириқлари куйидагилардан иборат бўлди:

1. Ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишга оид хулосадан кўчирмада қандай маълумотлар акс этади?

2. Ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишга оид хулосадан кўчирма кимлар томонидан имзоланади?

3. Ижтимоий-педагогик тавсифномада қандай маълумотлар ёритилади?

4. Тарбияланувчилар (ёки уларнинг ота-оналари)га кўрсатиладиган ижтимоий-педагогик ёрдам харитаси қандай мақсадга хизмат қилади?

5. Ижтимоий-педагогик ёрдам баённомаси ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишда қандай аҳамиятга эга?

6. Ривожланиш харитаси қандай методик имкониятларга эга?

7. Ойлик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларни юритишнинг афзалликлари нимада?

VI. Ўйин технологиялари ўзида ролли ва ишбилармонлик ўйинларини акс эттиради<sup>27</sup>. Таълим жараёнида ўйин технологиялари, хусусан, ролли ўйинлардан фойдаланиш таълим олувчиларда мавуд назарий билимларга асосланган ҳолда амалий кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Манбаларда кўрсатилишича, таълим жараёнида ролли ўйинлардан фойдаланиш муайян шартларга амал қилишни талаб этади. Улар қуйидаги шартлардир:

- 1) таълим олувчиларни ўйин моҳияти ва шартлари билан таништириш;
- 2) таълим олувчининг имкониятлари ва касбий лаёқатларини инобатга олган ҳолда ролларни тақсимлаш;
- 3) ўйиннинг ташкил этилиш вақтини белгилаш;
- 4) талабаларининг бирдек ўйинга жалб этилишини таъминлаш;
- 5) ролли ўйиннинг таълим олувчилар учун аҳамиятини баҳолаш ва кутилаётган натижани тахмин қилиш;

6) ролли ўйиннинг ташкил этилиши, мазмуннинг очиқ берилиши ва кутилган натижаларни бера олганлиги юзасидан муҳокама ташкил этиш<sup>28</sup>.

Тадқиқотни олиб бориш даврида диссертант томонидан асосланган “Оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш”, “Тарбияланувчиларни салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш” каби ролли ўйинлардан самарали фойдаланилди. Ролли ўйинлардан фойдаланишда қуйидаги тартибда иш кўрилди:

- 1) талабалар иштирокида ролли ўйин йўналишини белгилаш ва номлаш;
- 2) ролли ўйин мақсадини аниқлаш ва лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- 3) иштирокчиларнинг сони ҳамда вазифаларини аниқлаб олиш;
- 4) талабалар ўртасида ролларни тақсимлаш;
- 5) ўйин жараёнини ташкил этиш;
- 6) ўйиннинг бориши ва натижасини таҳлил қилиш.

Ролли ўйинлардан фойдаланишда уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди ва лойиҳаларнинг технологик хариталарда акс этириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ўринда “технологик харита” тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтиш лозим.

Технологик харита муайян фаолият ёки жараён мазмуни умумий ҳолда, қисқача баён қилишнинг ўзига хос шакли бўлиб, унда “жараён яхлит акс этган бўлиши, аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этиш технологияси ўз аксини топиши керак. Технологик харитани тузиш ўқитувчини дарснинг кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки пухта ишланган технологик

<sup>27</sup> Ўша манба, - 45-бет.

<sup>28</sup> Ўша манба, - 46-бет.

харитада дарсинг барча қирралари ўз аксини топган бўлади”<sup>29</sup>. Сўнгги йилларда технологик хаританинг ўзига хос афзалликлари амалиётчи-ўқитувчиларда ундан фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг тобора ошишига сабаб бўлмоқда.

Қуйида “Тарбияланувчиларни салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш” номли ўйиннинг технологик харитаси намуна сифатида келтирилади:

“Тарбияланувчиларни салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш”  
ўйинининг технологик харитаси

Ўйиннинг номи: Тарбияланувчиларни салбий ижтимоий омиллардан ҳимоялаш	
Ўйин вақти: “Ижтимоий педагогика” фани бўйича ташкил этилувчи амалий машғулотлар	Ўйиннинг давомийлиги: 2 соат
Ўйиннинг мақсади: шахс ривожига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва тарбияланувчиларни улардан ҳимоялаш	
Кутилаётган натижа: ота-оналар ва мутахассислар ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш орқали тарбияланувчиларни салбий ижтимоий омиллар таъсиридан ҳимоялаш	
Ўйинда қўлланилувчи методлар: оғзаки баён, тушунтириш, диалог, намойиш, маслаҳат, баҳс-мунозара, таҳлил, назорат, баҳолаш	Ўйин воситалари: нутқ, махсус адабиётлар, плакатлар, иш қоғозлари, ёзув тахтаси, видеолавҳа,
Иштирокчилар ва уларнинг сони: ижтимоий педагог (1 нафар),  тарбияланувчилар (8 нафар),  энагалар (4 нафар), тиббиёт ходими (1 нафар)  ички ишлар органи ходими (1 нафар) ота-оналар (10 нафардан ортик),	Вазифалари Ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш; тарбияланувчиларни салбий ижтимоий омиллардан ҳимоялашга ҳисса қўшиш; - / - ота-оналарга мутахассис маслаҳатини бериш, ижтимоий педагог билан ҳамкорлик қилиш - / - мактабгача таълим ёшидаги фарзандларининг салбий ижтимоий омиллардан

<sup>29</sup> Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари (тарих фани ўқитувчилари мисолида. – Тошкент: 2007. – 74-бет.

	ҳимояланишларига масъул бўлиш; ижтимоий педагог ва мутахассислардан маслаҳат сўраш
<p>Ўйин жараёнининг босқичлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ижтимоий педагог иштирокчиларга тарбияланувчиларнинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллардан ҳимоялашнинг аҳамияти тўғрисида маълумот беради</li> <li>2. Ота-оналар фарзандлари дуч келаётган салбий ижтимоий муаммолар тўғрисида ҳимоя қиладилар ва уларни қандай тартараф этиш лозимлиги борасида мутахассис маслаҳатига муҳтож эканликларини айтадилар</li> <li>3. Ижтимоий педагог, тиббиёт ва ички ишлар органи ходимлари ота-оналарга мутахассис маслаҳатини берадилар</li> <li>4. Тарбияланувчиларнинг ривожланишига таъсир этувчи салбий ижтимоий омиллар тўғрисида ҳикоя қилувчи видеолавҳа намойиш этилади</li> <li>5. Намойиш этилган видеолавҳа юзасидан баҳс-мунозара ташкил қилинади</li> </ol>	
<p>Ўйин жараёни ва натижаларининг таҳлили: талабалар индивидуал чиқишлар асосида ўйиннинг бориши ва натижаларини баҳолайдилар, уларнинг фикрлари умумлаштирилади ва ўйинга яқун ясалади</p>	

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёни “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда катта имкониятларга эга. Тажриба-синов ишлари даврида таълим жараёнининг мавжуд имкониятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Илғор педагогик технологияларни таълим жараёнида самарали татбиқ қилиш талабаларнинг “Ижтимоий педагогика” фани асосларига оид назарий билимларини бойитибгина қолмай, балки уларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларини янада ривожлантиришга имконият яратади.

### **АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИДА “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ” ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Республика олий таълим муассасалари фаолиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири – бу аудиториядан ташқари ишлар ҳисобланади. Аудиториядан ташқари ишлар шакли, йўналиши ва мазмуни хилма-хил бўлса-да, ягона мақсадга баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга йўналтирилади, таълим жараёнида ўзлаштирган билимларни

мустаҳкамлаш, амалий кўникма ҳамда малакаларни янада ривожлантириш орқали талабаларнинг дунёқарашларини кенгайтиради.

“Мақтабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида аудиториядан ташқари ишларнинг турли шаклларида самарали фойдаланиш мумкин. Тажриба-синов ишларини олиб бориш вақтида мустақил таълим, тўғарак ишлари, талабаларнинг илмий анжуманлари ҳамда индивидуал ишлар талабалар томонидан “Ижтимоий педагогика” фани асосларини пухта ўзлаштириш, мақтабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш муаммоларини ўрганишда ўзига хос аҳамият касб этиши аниқланди.

Мустақил таълим ижтимоий борлиқни англашга бўлган эҳтиёжни мустақил фаолият ёрдамида қондиришнинг юқори шакли саналиб, у илмий билимларни ўзлаштириш, уларни мустаҳкамлаш ва шахсий тажрибани орттиришга хизмат қилади. Субъектнинг онгли равишда назарий билимларини бойитиш ва амалий кўникма ва малакаларини янада ривожлантириш йўлида муайян ҳаракатларни ташкил этишида мустақил таълим педагогик шароит сифатида ҳам намоён бўлади.

Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида мустақил таълим олиш муҳим ўрин тутди. Ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги таълим олувчиларни мустақил таълим олиш борасидаги имкониятларини янада кенгайтди. Шу сабабли аксарият таълим муассасаларида ахборот технологиялари хизматидан фойдаланилган ҳолда таълим олувчиларга мустақил таълим олиш имкониятлари яратилмоқда. Бу жараёнда таълим олувчилар ахборот технологиялари орқали дастур ва топшириқлар билан таъминланадилар. Муайян муддат ичида топшириқларни бажарган таълим олувчиларга яна ахборот технологиялари хизмати орқали назорат топшириқлари етказиб берилди.

Мустақил таълим шахснинг муайян мақсад, йўналиши ёки мавзу асосида илмий билимларни ўзлаштириш йўлида амалга ошираётган саъи-ҳаракатларининг кўриниши сифатида, шунингдек, таълим олувчи учун қулай вақтда ташкил этилиши, шахсий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда билимларнинг ўзлаштирилиши билан тобора оммалашмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатларда мутахассисларнинг касбий малакаларини оширишда ҳам мустақил таълимдан самарали фойдаланилади.

“Мустақил таълимда кўзда тутилган асосий мақсад талабаларни янгича фикрлаш ва мушоҳада қилишга ўргатиш, назарий ва амалий билимларини мукаммалаштириш учун тўлиқ имкониятлар яратишга қаратилган, ўқитувчи дарс жараёнида талабаларнинг ҳар бирига фанга доир замонавий мавзуларни мустақил ишлашлари учун топширади. Талабалар ўзларига бириктирилган мавзуларни реферат, маъруза шаклида тайёрлаб, семинар – амалиёт дарсларида маъруза қилиб, кенг доирада муҳокама қилишади. Талабалар баъзи бир мавзулар бўйича адабиётларни қиёсий

таҳлил қилиб, дарс жараёнида ўрганиб чиқадилар, Мустақил таълимнинг қисқача мазмуни берилгач, намунавий мавзулар берилади”<sup>30</sup>.

Мустақил таълим қуйидаги шароитларда амалга оширилади:

1. Бевосита аудиторияда – маъруза, амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича вазифаларни бериш жараёнида.

2. Ўқитувчи билан дарс адвалидан ташқари пайтлардаги бевосита мулоқот чоғида маслаҳатлар беришда, ижодий мулоқотлар жараёнида, қарздорликни йўқотишда яқка топшириқларни баариш чоғида.

3. Кутубхонада, уйда, талабалар уйларида, кафедраларда талаба томонидан ўқув ёки ижодий топшириқларни баариш жараёнида<sup>31</sup>.

“Мақтабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда уларнинг мустақил таълим олиш малакаларига эга бўлишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

1. Талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларига эгалликлари даражасини ўрганиш.

2. Талабаларни “Ижтимоий педагогика” фани мазмуни ҳамда мақтабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган ижтимоий-педагогик фаолият моҳиятини таҳлил қилишга ундаш.

3. Талабаларда таълимий мақсадларни белгилаш малакаларини шакллантириш.

4. Талабаларда ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишда самарали бўлган шакл, метод ҳамда воситаларни танлаш малакаларини ҳосил қилиш.

5. Талабаларнинг мақтабгача таълим муассасаларида муайян йўналишларда (мас., тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, ижтимоий муносабатлар ёки мақтаб таълимига тайёрлаш, тарбияланувчиларни салбий ижтимоий омиллардан ҳимоялаш, ота-оналарга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш ва ҳ.о.лар бўйича) ташкил этиладиган ижтимоий-педагогик фаолият лойиҳаларини ишлаб чиқиш малакаларига эга бўлишларини таъминлаш.

6. Талабаларда ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш малакаларини шакллантириш.

7. Талабаларнинг ижтимоий-педагогик фаолият жараёнини таҳлил қилиш ва мақсадни амалга ошириш малакаларига эга бўлишларига эришиш.

8. Талабаларда амалий жараёнда оралиқ ва якуний мақсадларнинг амалга ошишига кўра ижтимоий-педагогик фаолият мазмунига ўзгартиришлар киритиш малакаларини шакллантириш.

Тажриба-синов ишлари даврида талабаларнинг хоҳиш-истакларига кўра мустақил таълим учун “Тарбияланувчиларни мақтаб таълимига

<sup>30</sup> Ўқув-меъерий ҳужжатлар /Тузувчилар: Р.Яркулов, Р.Г.Исянов, А.Қурбонов. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. – 11-12-бетлар.

<sup>31</sup> Ўша манба, - 28-бет.

тайёрлаш” мавзуси танланди ва уни ўзлаштириш мақсадида ҳар талабанинг индивидуал режа ишлаб чиқишига раҳбарлик қилинди. Қуйида на шундай режалардан бири намуна сифатида келтирилади (2-жадвал).

2-жадвал

“Тарбияланувчиларни мактаб таълимига тайёрлаш” мавзуси  
бўйича мустақил таълим режаси

№	Мавзулар	Соатлар ҳажми
1.	Тарбияланувчиларнинг мактаб таълимига тайёрлик даражасини ташҳис қилиш	2
2.	Тарбияланувчиларни мактаб таълимига жисмоний жиҳатдан тайёрлаш	2
3.	Тарбияланувчиларнинг нутқини ўстириш	2
4.	Тарбияланувчиларда саводхонликни шакллантириш	2
5.	Тарбияланувчиларда математик тасаввурларни ҳосил қилиш	2
6.	Тарбияланувчиларни мактаб ички тартиб-қоидаларига амал қилишга ўргатиш	2
Жами		14

Тадқиқотни олиб бориш даврида, шунингдек, респондент-талабаларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда “Ижтимоий-педагогик фаолият” тўғараги ташкил этилди. Тажриба майдонларида “Ижтимоий-педагогик фаолият” тўғарагига 14-22 нафардан иборат талабалар жалб қилинди. Тўғаракка аъзо бўлишнинг ихтиёрий эканлиги таъкидланди. Тўғаракка раҳбарлик тажриба-синов ишларига бириктирилган методист-ўқитувчилар ёки фаол, ташаббускор ҳамда ижодий изланиш лаёқатига эга талабалар раҳбарлик қилдилар. Тўғараклар диссертантнинг иштироқи, шунингдек, талабаларнинг қизиқиш ҳамда эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган намунавий дастур ва иш режасига мувофиқ фаолият кўрсатди. Дастурда тўғаракни ташкил этишдан кўзланган мақсад, асосий вазифалар, мавзувий режа, мавзуларнинг умумий мазмуни, фойдаланиш учун адабиётлар ўз аксини топди. Тўғаракнинг фаолияти ва иш шароитига кўра унинг дастури ва иш режасига муайян ўзгартиришларни киритиш назарда тутилди.

Тўғарак фаолияти гарчи “Ижтимоий педагогика” фани бўйича олий таълим муассасалари ўқув дастурларининг мазмуни билан ўзаро алоқадор бўлса-да, бироқ, айнан ўқув дастури мазмунини такрорламаслигига эътибор қаратилди. Шунингдек, тўғаракнинг “Ижтимоий педагогика” фани бўйича кўшимча машғулот бўлиб қолмаслигига эришиш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил

етишга ёрдам берувчи шакл, метод ва воситаларни аниқлаш асосий йўналиш сифатида танланди (3-жадвал).

3-жадвал

“Ижтимоий-педагогик фаолият” тўғарагининг дастури

№	Мавзулар	Соатлар ҳажми	
		Машғулот тури	
		Назарий	Амалий
1.	Хорижий мамлакатларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид тажрибалари	1	1
2.	Республикада мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш борасида тўпланаётган тажрибалар ва уларни ўрганишнинг аҳамияти	1	1
3.	Мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишнинг самарали шакллари ва воситалари	1	1
4.	Мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишда самарали бўлган методларни танлаш	1	2
5.	Мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этишга оид индивидуал методикаларни шакллантириш	1	2
6.	Мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этишга оид тренингларни ташкил этиш	-	4
	Жами	5	11

Тўғарак фаолиятининг иш режасида бир ўқув йили учун 16 соат вақт ажратилди. Машғулотлар икки ҳафтада бир марта 2 соатдан олиб борилди. Олий таълим муассасаларидаги қишки сессияни инобатга олган ҳолда январ ойида тўғарак машғулотини 1 марта ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Тадқиқот даврида иш режасига мувофиқ тўғаракнинг мунтазам фаолият кўрсатиши назорат қилиб борилди.

Тўғарак фаолиятида “таҳсил олувчи фаолиятига мўлжалланган таълим шакли”<sup>32</sup> тренингларни ташкил этишга катта эътибор қаратилди. Бинобарин, “у таълим берувчи томонидан ўқитишни эмас, балки таҳсил олувчи

<sup>32</sup> Нуридинов Б. Касб таълими ўқитувчиларини малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий- педагогик асослари: Пед. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2002. –14-бет.

томонидан мустақил ва фаол ўрганишни кўзда тутди”<sup>33</sup>. Тренингларнинг таълим олувчиларни “махсус билимлар билан қуроллантириш, уларнинг касбий кўникмаларини тизимга келтириш билан биргаликда инсонда мавжуд иқтидор ва қобилиятни ривожлантиришга”<sup>34</sup> тўртки бўла олиши ҳам тўғрақ фаолиятини ташкил этишда ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Амалий тадқиқотни олиб боришда талабаларнинг илмий анжуманларда фаол иштирок этишларига ҳам эътибор қаратилди. Зеро, талабаларнинг илмий анжуманлари улар томонидан “Ижтимоий педагогика” фани асосларини, мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш этишга оид билим ва малакаларини бойитибгина қолмай, шу билан бирга уларда фаолиятга нисбатан ижодий ёндашиш кўникма ҳамда малакаларини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Тадқиқот даврида талабалар қуйидаги мавзулар бўйича илмий маъруза, реферат ҳамда намойиш (презентация)лар тайёрладилар:

1. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни ва йўналишлари.

2. Мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш муаммолари.

3. Тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатларга тайёрлаш йўллари.

4. Тарбияланувчиларни миллий қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга тайёрлаш.

5. Тарбияланувчиларда коммуникатив малакаларни шакллантириш.

6. Тарбияланувчиларни ижтимоий муносабатларга тайёрлаш ўйин воситасидан фойдаланиш.

7. Тарбияланувчиларни салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш чора-тадбирлари.

8. Тарбияланувчиларда рухий зўриқишларнинг олдини олиш методлари.

9. Имконияти чекланган тарбияланувчиларни руҳан қўллаб-қувватлаш.

10. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг таълим олишга психологик тайёргарлик даражасини ўрганиш.

11. Мактабгача таълим ёши болаларининг мактабга психологик тайёрлик даражасини ташхислаш.

12. Мактабгача таълим ёши болаларини мактаб таълимига тайёрлаш йўналишлари.

13. Тарбияланувчиларни мактаб таълимига психологик жиҳатдан тайёрлаш.

---

<sup>33</sup> Ўша манба, - 14-бет.

<sup>34</sup> Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари (тарих фани ўқитувчилари мисолида. – Тошкент: 2007. – 66-бет.

14. Тарбияланувчиларни мактаб таълимига жисмонан тайёрлаш.
15. Тарбияланувчиларнинг нутқини ўстириш.
16. Тарбияланувчиларда саводхонлик шакллантириш.
17. Тарбияланувчиларда математик тасаввурларни шакллантириш.
18. Oilаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш шакллари.
19. “Ижтимоий хавф ёқасида” бўлган oilаларга ёрдам кўрсатиш.
20. Тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда oilа ва мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик.

Аудиториядан ташқарида ташкил этилувчи таълимий фаолият шаклларида бири – бу талабаларнинг индивидуал (якка тартибдаги) ишлари саналади. “Талаба мустақил ишининг асосий мақсади ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида унда муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдир.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш, қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- Интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш, берилган топшириқнинг оқилона ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш, топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш”<sup>35</sup>.

Тадқиқотни олиб боришда индивидуал ишлар сифатида “Мактабгача таълим” йўналиши талабалари томонидан “Ижтимоий педагогика” фани асослари, хусусан, мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид мавзуларда курс ҳамда битирув малакавий ишларининг тайёрланишига ҳам эътибор қаратилди. Шунингдек, талабалар билан индивидуал ишлашда қуйидаги шакллардан ҳам самарали фойдаланилди:

- айрим мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш);

<sup>35</sup> Ўқув-меъёрий ҳужжатлар /Тузувчилар: Р.Яркулов, Р.Г.Исянов, А.Қурбонов. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. – 19-20-бетлар.

- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммолар ечимини топиш (кейс-стади);
- модел (андоза) яратиш;
- илмий анжуманларга илмий мақола ва маъруза тезисларини тайёрлаш.

Таҷриба-синов ишлари даврида талабаларнинг индивидуал ишлари билан гуруҳлар аъзоларини таништириш, жамоа фикри асосида индивидуал ишларнинг ҳолатини баҳолашга ҳам диққат-эътиборни тортди. Ана шу мақсадда семинарлар, давра суҳбати ва дебатлар ташкил этилди.

Дебатларни ташкил этиш олдидан талабалар махсус ахборот билан таъминландилар. Ахборот дебатларни ташкил этишнинг умумий қоидаларини ёритишга хизмат қилди. Қуйида дебатларни ташкил этиш қоидаларини ёритувчи ахборот матни келтирилди:

#### Муайян мавзуларда дебатларни ташкил этиш лойиҳаси

“Дебат” тушунчасининг моҳияти
“Дебат” тушунчаси французча “debattere” сўздан олинган бўлиб, “debats” – баҳслашмоқ маъносини англатади. Дебат – қандайдир малис ёки йиғилишларда ўзаро фикр алмашиш жараёнини ифодалайди. Замонавий шароитда дебатлардан муайян мавзу, масала ёки муаммо юзасидан қарама-қарши фикр, нуқтаи назар ва фикр-мулоҳазаларни ифодалаш орқали баҳс ташкил этиш мақсадида фойдаланилмоқда. Таълим жараёнида қўлланилаётган дебатлар таълимий мақсадларни ифодалай олиши керак.
Дебатларни ташкил этишнинг дидактик аҳамияти
Дебат талабаларда танқидий фикрлаш, фикрни мантиқан ифодалай олиш, далиллардан тўғри ва етарлича фойдаланиш ҳамда муаммонинг мантиқий ечимини топиш малакасини шакллантириш, шунингдек, ўзгаларнинг фикрларини инобатга олмаслик нотўғри хулосага олиб келиши мумкинлигини исботлашга ёрдам беради. Дебатларни ташкил этиш чоғида талабаларда ўзгаларни фикрларини тинглай олиш, уларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, шахсий фикрни оғзаки, айрим ҳолатларда ёзма равишда тўғри баён қила олиш малакалари ҳам ривожланади.
Дебатларни тайёрлаш ва уни ўтказиш босқичлари
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича талабаларни қизиқтирган масала ёки мавзулар аниқланади.</li> <li>2. Дебат учун танланган мавзунинг олдидан талабаларга етказилиши.</li> <li>3. Талабалар жамоаси икки гуруҳга бўлинадилар ва ҳар бир гуруҳ танланган мавзу бўйича бир-бирига зид бўлган ечимни баён этадилар.</li> <li>4. Гуруҳлар ўзлари томонидан ифодаланган ечимларнинг тўғрилиги</li> </ol>

<p>далиллар, ҳаётий мисоллар ёрдами исботлайдилар.</p> <p>5. Гуруҳлар ўз позициялари (муаммо бўйича таклиф этган ечимлар)ни спикерлари ёрдамида ҳимоя қиладилар.</p> <p>5. Гуруҳларнинг спикерлари ечимнинг тўғрилигини навбатма-навбат ҳимоя қиладилар.</p>
<p><b>Дебат иштирокчиларининг вазифалари</b></p>
<p>1. Ҳар бир талаба дебатнинг таълимий аҳамиятини англай олиши лозим.</p> <p>2. Гуруҳлар ўқитувчи ёки соҳа мутахассисидан зарур маслаҳатларни олишлари мумкин.</p> <p>3. Гуруҳ аъзоларнинг ягона жамоа бўлиб ҳаракатланишларини, тартиб сақлашларини шунингдек, ҳар бир талабанинг ички имкониятларини тўлиқ ифода қилишига имконият ярата олиши зарур.</p> <p>4. Аудитория эътиборини жалб эта оладиган қизиқарли, фавқулотда статистик маълумот ёки ҳаётий мисолларни келтира олиш</p>
<p><b>Дебат учун ажратиладиган вақт</b></p>
<p>1. Дебат учун мавзу моҳиятини етарли даражада ёритилишига имкон берувчи вақт аниқ ҳисобланиши лозим.</p> <p>2. Талабалар иштирокида ташкил этиладиган дебатлар учун 1-2 соат вақт ажратилади.</p>
<p><b>Дебат жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш</b></p>
<p>1. Дебат ҳакамлар ҳайъати томони назорат қилинади.</p> <p>2. Гуруҳлар томонидан чиқиш қилган ҳар бир талабанинг фаолияти ҳакамлар ҳайъати томонидан жадвалда қайд этиб борилади.</p> <p>3. Ҳар бир талаба фаолияти гуруҳ учун балларнинг тўпланишини таъминлайди.</p> <p>4. Якуний натижа ҳакамлар ҳайъати томонидан эълон қилинади.</p>

Дебатларнинг талабалар учун қизиқарли бўлган мавзу ёки масалалар бўйича ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дидактик самарадорликни таъминлайди. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида дебатлар учун қуйидаги мавзулар танланди:

1. Мактабгача таълим ёши болаларини ижтимоий ҳаётга мослаштириш учун фақат оила масъул.

2. Тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ижтимоий педагог масъул шахс бўла олмайди.

3. Мактабгача таълим ёши болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш учун махсус педагогик жараён талаб этилмайди.

4. Мактабгача таълим ёши болалари салбий ижтимоий таъсирлардан шартли рефлекс (“яшаш учун курашиш” тамойили) ёрдамида ҳимояланадилар.

Тажриба-синов ишлари даврида дебатга тайёрланишлари учун етарли вақт ажратилганлиги, танланган мавзунинг талабалар учун қизиқарли бўлганлиги кутилган натижага эришиш имконини берди.

Шундай қилиб, аудиториядан ташқарида ташкил этилувчи тадбирлардан мустақил таълим, тўғарак ишлари, талабаларнинг илмий анжуманлари ҳамда индивидуал ишлар талабалар томонидан “Ижтимоий педагогика” фани асослари бўйича таълим жараёнида ўзлаштирилган назарий билимларни бойитиш билан бирга уларда мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларига эга бўлишларига ёрдам берди.

## **ТАЛАБАЛАРДА ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиши шахслараро муносабатлар кўлами ва мазмунига жиддий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топиши шахслараро муносабатлар доирасининг янада кенгайиши ва бир қадар мураккабланишига олиб келди.

Маълумки, бозор иқтисодиётида ахборотлар, уларнинг алмашилиши ва тезлиги устувор аҳамиятга эга. Ахборотлар алмашинуви турли маданиятлар, шунингдек, Ғарб ва Шарқ ахлоқий қарашларининг ўзаро уйғунлашилиши таъминлайди. Бу ижобий ҳол бўлиб, жамиятнинг, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва янада такомилланишига хизмат қилади. Бироқ, сўнгги йилларда Ғарб ва Шарқ маданияти ҳамда ахлоқий қарашларининг ўзаро уйғунлиги илғор хусусият касб этиши билан бирга миллий қадриятларнинг муайн даражада инкор этилишига сабаб бўлмоқда. Бошқанда айтганда, “Ғарбдан намуна олиш” анъанаси юзага келмоқда. Шу сабабли муайян миллатнинг миллийлигини ифодаловчи миллий маданиятни сақлаб олиш, миллий ахлоқий қарашларнинг авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтишини таъминлаш ўзига хос долзарблик касб этади.

Оила шахсни миллий қадриятлар асосида тарбиялашда етакчи тарбия маскани ҳисобланади. Зеро, катта ёшли оила аъзоларининг миллий ахлоқий қарашлари ва ёндашувлари мисолида фарзанд атрофдагилар билан муносабатда миллий ахлоқ мезонлари (ота-она ёки кексаларни қадрлаш, каттага ҳурмат, кичикка иззат, тонгда туриб, эзгу ниятлар қилиш, шахсий манфаат ва қизиқишларининг оила шаъни ва обрўсига зиён этказмаслиги, меҳмондўстлик, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаш, кўни-кўшнилар билан яхши муносабатда бўлиш, ўзгалардан ёрдамни аямаслик, имконияти чекланган шахсларга нисбатан раҳм-шафқат ва мурувват кўрсатиш ва бошқалар)га риоя қилиш кўникмаларини ўзлаштириб борадилар. “Илмий-педагогик, психологик, физиологик ҳамда фалсафий асарларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, оила бола учун энг асосий тарбия муҳити бўлиб, бу муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода, характер

ва дунёқараш шаклланади. Бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини кўради, жамият талаблари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида, оилавий муносабатларни ташкил этиш жараёнида англайди”<sup>36</sup>.

Оила, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан шахснинг ўз-ўзини белгилаб олишига, ижтимоий фаоллик кўрсатишига ҳам ёрдам беради. Бу эса фарзандларнинг шахс сифатида ижтимоийлашишида муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олганда, мутахассислар қайд этганларидек, “ҳеч қандай энг яхши болалар муассасалари – болалар боғчалари, бошланғич мактаб ҳам оила, оила тарбияси ўрнини боса олмайди”<sup>37</sup>.

Тадқиқотни олиб бориш даврида тадқиқотчининг шахсий кузатишлари натижасида оила ижтимоий мақомининг юқори бўлиши, оилавий муносабатларнинг миллий хусусият касб этишида оиланинг демографик ҳолати муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатди. Яъни:

1) кўп болали ўзбек оилаларида патриархал тартибнинг сақланиб қолаётганлиги оилавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлайди, ҳамда миллий тарбиявий омил ва кўникмаларнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди. Бундай оилаларда жамоавийлик катта куч бўлиб, юзага келувчи ҳар бир муаммо биргаликда ҳал қилинади;

2) кам болали ўзбек оилаларида индивидуаллик, “Мен”лик устувор ўрин тутаяди. Ота-оналар ёки катта ёшдаги оила аъзолари бола (бир нафар) ёки болалар (икки-тўрт нафар)нинг хоҳиш-истакларини доимий равишда инобатга оладилар. Уларнинг шахсий манфаатлари оиланинг умумий манфаатларидан устун туради, истеъмолчилик кайфияти юқори.


Оилаларда оила аъзолари сонининг қисқариши, авлодларнинг узоклашуви оила тарбиясига нисбатан янгича ёндашувни қарор топтиришни тақозо этмоқда. Ана шундай ёндашувлардан бири – бу оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Ижтимоий педагоглар томонидан оилага тарбиявий ёрдам кўрсатишда унинг қариндошликка асосланиб, оила аъзоларини бирга яшашларини таъминловчи кичик ижтимоий гуруҳ ёки оила аъзоларининг кундалик ҳаёт кечиришларини таъминловчи ижтимоий институт сифатидаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишда ижтимоий педагогларнинг роли беқиёс. Ижтимоий педагог томонидан оилага кўрсатиладиган педагогик ёрдамнинг мақсади шубҳасиз инқирозли вазиятларни ҳал қилишдир. Мазкур мақсадга таянган ҳолда ижтимоий педагог оила билан иш юритишда қуйидаги ролларни бажаради (4-расм).

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларининг келгусида оилаларга

<sup>36</sup> Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. Олий таълим муассасалари учун дарслик /М.Х.Тохтоҳодаева ва бошқ. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 285-бет.

<sup>37</sup> Воспитание в первом классе // Ж. Начальная школа. – Москва: № 1. 2004. – С. 12-14.



4-расм. Оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишда ижтимоий-педагогнинг роли

кўрсатиладиган ижтимоий-педагогик ёрдамлари ҳам уч асосий хусусият<sup>38</sup>га эга бўлади. Яъни:

- 1) таълимий – таълим бериш ва тарбиялаш;
- 2) психологик – руҳий ихатдан қўллаб қувватлаш, руҳий зўриқишларни бартараф этиш ва қайта тиклаш;
- 3) воситачилик – ташкил этиш, таълим ва тарбияда юзага келувчи муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш орқали бола хулқ-атворидаги оғишларни ёки физиологик нуқсонларни бартараф этиш ҳамда зарур ахборотлар билан таъминлаш.

Шу нуқтаи назардан ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда талабалар ота-оналарнинг педагогик билимларни пухта эгаллаганликлари, болага таълим-тарбия беришда зарур метод ва усулларни ўзлаштира олганликлари, шунингдек, педагогик маданиятга эга эканликларини ҳисобга олиш муҳимлигини тўғри англай олишлари лозим. Талабаларни ота-оналарнинг умумий педагогик маданиятга эгаликларини индивидуал ва оммавий суҳбатлар, савол-жавоблар, педагогик кузатишлар орқали аниқлаш мумкинлигидан хабардор этиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>38</sup> Социальная педагогика. Курс лекций /Учебное пособие для студ. высш.учеб.заведений. Под общ. ред. М.А.Галагузовой. – Москва: Гуманит. изд.центр Владос, 2001. – 177 с.

Шунингдек, талабалар, ота-оналар томонидан болага таълим ва тарбия беришда педагогик хатоларга йўл қўйилаётганликларини ҳам аниқлаш олишга эътиборни қаратишлари талаб этилади. Манбаларда кўрсатилишида ота-оналар томонидан йўл қўйилаётган хатолар сирасида: тарбиянинг мақсади, методи ва вазифаларининг етарли дараада тўғри англай олмасликлари; оиланинг барча аъзолари томонидан бола тарбиясига нисбатан ягона талабнинг қўйилмаслиги; болага ҳаддан ташқари меҳр қўйиш; керагидан ортиқ қаттиққўл бўлиш; тарбия масъулиятини бутунлай таълим муассасалари зиммасига юклашлари; болалар билан муносабатда педагогик ижобий педагогик ёндашув (такт)нинг мавжуд бўлмаслиги; жисмоний жазоларнинг қўлланилиши<sup>39</sup>, оиладаги болаларга нисбатан бир хил муносабатда бўлмаслик; таълим-тарбия жараёнида қатъийлик кўрсатилмаслик; назоратнинг изчил амалга оширилмаслиги; болага муносабатда бир хилликнинг барқарор бўлмаслиги (гоҳида ўта юмшоқлик, гоҳида эса ўта қаттиққўл бўлиш); бола тарбияси учун масъулиятни оиланинг бошқа аъзоси зиммасига юклаш ва бошқалар.

Ижтимоий-педагог сифатида талабалар келгусида оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишда қуйидаги жиҳатларни инобатга олишлари зарур:

- ота-оналарнинг бўлажак фарзандларини тарбиялашлари учун педагогик, психологик ва ижтимоий-биологик тайёргарликлари;
- бир мунча ҳаётий тажрибага эга ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясини тўғри ташкил этиш, уларни турли салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоялаш борасидаги билимлари даражаси;
- ота-оналарнинг болаларда тенгдошларига нисбатан адекват (тўғри) муносабатни шакллантиришда ўрни;
- бола тарбиясида ота-оналарнинг шахсий намунаси ва обрў-эътиборининг аҳамияти;
- оилада турли авлодларнинг ўзаро муносабати;
- ота-оналарнинг болаларга педагогик таъсир кўрсатишда самарали метод ва усулларга эгаликлари;
- оилада болалар ва ота-оналар ҳамда ёши катта оила аъзолари ўртасидаги муносабатнинг ижобий хусусиятга эгалиги;
- оилада болаларнинг ўз-ўзини тарбиялашларига имконият яратилганлиги, ота-оналарнинг бу араёндаги роли;
- оила тарбиясида рағбатлантириш ва жазолаш методларидан фойдаланилиши;
- ота-оналар томонидан бола тарбиясида йўл қўйилувчи типик хатолар;
- жисмоний ва руҳий риволанишдан ортқада қолган болаларни тарбиялашнинг ўзига хос ихатлари;
- оилада меҳнат тарбиясини ташкил этишга эътибор қаратилиши;

---

<sup>39</sup> Ўша манба, - 177-бет.

- оилада болаларнинг меҳнат қилиш, таълим ва дам олиш тартибининг йўлга қўйилганлиги;
- болаларни мактабга тайёрлашга аҳамият қаратилиши<sup>40</sup>;
- ота-оналар ёки ёши катта оила аъзоларининг ижтимоий муҳит билан алоқага кириша олиш лаёқатлари;
- ота-оналарнинг халқ педагогика ғояларидан хабардор бўлишлари;
- оила тарбиясида миллий қадриятларда акс этувчи ғоялардан фойдаланиш малакаларига эгаликлари;
- оила аъзоларининг миллий руҳияти, рухий тетикликка эгаликлари;
- ота-оналар ҳамда оиланинг бошқа аъзоларининг толерантлик сифатларини намоён эта олишлари.

Оила аъзолари, айниқса, ота-оналар руҳининг сўниклиги, ҳаётдан (ишлари юришмасликдан, ночорликда кутила олмаслик, омаднинг келавермаслигидан, касбий фаолиятда муваффақиятга эриша олмаслик, оила бюджетининг оила эҳтиёларини қондириш учун етарли эмаслиги ва б.ш.дан) доимий норозиликлари, ота ва она ўртасидаги муносабатдаги келишмоқчиликлар, оила аъзолари ўртасидаги зиддиятлар мактабгача таълим ёши болаларининг психологик жиҳатдан тўлақонли камол топишларига жиддий зиён етказди. Шу сабабли бўлажак ижтимоий-педагог сифатида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларининг нафақат бола тарбиясида, шу билан бирга ота-оналарнинг ўзларига ҳам психологик ёрдам кўрсата олишлари муҳим аҳамиятга эга. Бу эса талабаларнинг психологик билимлари ҳамда тарғиботчилик сифатларини пухта эгаллашларини тақозо қилади.

Тадқиқот даврида талабаларга оилада мактабгача таълим ёши болаларини ижтимоий ҳаётга мослаштиришга ота-оналарнинг қандай ёндашишлари бу жараённинг муваффақиятини таъминловчи омиллардан бири эканлиги ҳам тушунтирилиб борилди. Бу ўринда талабалар ота-оналарнинг ёндашувлари қуйидаги мазмунга эга бўлишидан хабардор бўлдилар:

1) қаттиққўллик (тарбия жараёнида куч ишлатилади, буйруқбозлик методларидан фойдаланилади, боланинг хатти-ҳаракатлари фақатгина ота-оналар ёки катталарнинг кўрсатмалари асосида йўлга қўйилади, боланинг фаол ва ташаббускор бўлишига йўл қўйилмайди);

2) юмшоқлик (ота-оналар болани ўзлари билан тенг кўрадилар, унинг хатти-ҳаракатлари тўғри ёки нотўғрилигини доимий равишда тушунтириб борадилар, бола билан чин дилдан суҳбатлашишга вақт топадилар);

3) мустақиллик (ота-оналар боланинг бирор масалада қарор қабул қилишига аралашмайдилар, қийин вазиятдан ўзи чиқиши учун имкон яратадилар, унга тўла эркинлик берадилар, шу сабабли бола мустақил, эркин, ота-оналар боладаги ҳар бир иобий сифатни рағбатлантириб борадилар);

---

<sup>40</sup> Ўша манба, - 177-178-бетлар.

4) келишувчанлик (бола дуч келаётган қийинчиликларни у билан бирга хал қиладилар, масалани хал қилишда нималарни бола ихтиёрига колдириш, нималарни ўзларига олишни яхши биладилар);

5) ҳамкорлик (ота-оналар болага қандай вазиятларда ёрдам кераклигини ва қандай даражада ёрдам кўрсатиш зарурлигини яхши тушунадилар, шу билан бирга боланинг рухий кечинмаларини тўғри англайдилар, унинг ҳолатидаги ўзгаришларни, кайфиятини баҳолай оладилар, улар бола ҳаётида бевосита иштирок этадилар, қийинчиликларни биргаликда хал қилишга уринадилар);

6) фидоийлик (ота-оналар ўзларига зиён бўлса-да, боланинг физиологик ва рухий риволаниши учун барча нарсага тайёрдирлар, бола учун ўзларини “қурбон” қиладилар, боланинг манфаатларини ўз манфаатлари, хатто оила манфаатларидан ҳам устун қўядилар);

7) беқарорлик (ота-оналар болани ўз ҳолига тайлаб қўйишган, айрим ҳолатлардагина унинг ҳаётига аралашадилар, бола тарбиясида аниқ, қатъий ёндашувга эга эмаслар, ота-оналарнинг болаларга ёндашуви беқарор, гоҳо ўта қаттиққўл, гоҳо эътиборсиз, гоҳо бўш);

8) тобелик (бола ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ота-оналар ўзларига нисбатан ишончга эга эмаслар, шунинг учун бола тарбиясини таълим муассасалари зиммасига юклайдилар, ёки доимий иш билан банд эканликларини рўқач қиладилар).

Болалар тарбиясини йўлга қўйишда ота-оналар билан ижтимоий-педагог ҳамкорликка эришишда ота-оналарнинг нафақат педагогик-психологик билимларга эгаликлари, балки уларнинг руҳан тетик ва ижтимоий жиҳатдан фаол эканликларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу ўринда талабалар психолог ва шифокорлар (Ф.Акромова ва А.Усмонхўяевлар)нинг тавсиялари<sup>41</sup> асосида ишлаб чиқилган қуйидаги йўриқнома билан таништирилдилар ва йўриқноманинг талабалар томонидан ўзлаштирилиши педагогик жиҳатдан фойдали деб топилди:

- барча касалликларнинг асоси асабдан эканлиги маълум экан, оилавий муносабатларни йўлга қўйиш ва касбий фаолиятни ташкил этишда асабийлашмасликка ҳаракат қилиш, ўзаро ижтимоий муносабатларини ташкил этиш жараёнида бошқа субъектларнинг кадр-қимматиини сақлашга интилиш;

- атрофдагилар билан суҳбатлашиш ва ҳар қандай юмуш билан банд бўлишдан қатъий назар самимий бўлишга интилиш;

- бекорчилик инсонда турли нохуш ўй-фикрларни келтириб чиқишини ёдда тутган ҳолда ҳамиша бирор бир фойдали юмуш билан банд бўлиш;

---

<sup>41</sup> Усмонхўяев А., Акромова Ф. Руҳиятни соғломлаштириш усуллари (шифокор ва психолог ҳамкорлиги). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 63 бет.

- оила аъзолари ёки яқин кишиларнинг муаммолари, шунингдек, уларни қизиқтирувчи мавзуларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлмаслик, уларни доимо қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам кўрсатиш ва яхшиликлар қилишга интилиш;

- ҳаётни ва атрофдаги кишиларга меҳр қўйиш, зеро, меҳр-мухаббат инсонга руҳий куч бағишлайди, жисмоний ва руҳий имкониятларни оширади;

- доимо ҳаракатчан бўлиш;

- имкон қадар камтар бўлиш, зеро, манманлик умр заволидир<sup>42</sup>.

Оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишни қуйидаги босқичларда ташкил этиш мумкин (5-расм).



5-расм. Оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш босқичлари

Қуйидаги мазкур босқичларнинг моҳияти қисқача ёритилади:

1. Ижтимоий-педагогик ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаш (бу босқичда таълим муассасалари, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари, жамоатчилик ёрдамига таянилади).

2. Оилаларга кўрсатиладиган ижтимоий-педагогик ёрдам йўналишини белгилаш (ота-оналар, оиланинг катта ёшли аъзолари, болалар ёки кўни-кўшнилари, таълим муассасаларининг ходимлари, маҳаллалар фуқаролар

<sup>42</sup> Ўша манба, - 3-4-бетлар.

йиғинларининг фаоллари, холис шахслар билан бевосита суҳбатлар ташкил этиш, анкета сўровини ўтказиш орқали ижтимоий-педагогик ёрдам йўналишлари белгиланади).

3. Оилаларга амалий ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш (бунда ота-оналар ёки болалар тарбияси учун масъул васий шахслар учун методик тавсиялар берилади, белгиланган йўналишлар бўйича амалий тренинглар лойиҳалари тавсия этилади, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар мазмунининг ижобий хусусият касб этиши, болаларга нисбатан кўрсатилаётган салбий таъсирларнинг камайиши, болаларнинг атрофдагилар билан адекват муносабатнинг шаклланилиги ва ҳоказо ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни берувчи ташхис тестларидан фойдаланилади).

4. Оилаларга кўрсатиладиган ижтимоий-педагогик ёрдамнинг самарадорлик даражасини ўрганиш (холис экспертлар, кузатувчилар, масъул ташкилотлар вакиллари, таълим муассасалари ходимлари, маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг фаоллари ёрдамида ижтимоий-педагогик фаолият самарадорлиги таҳлил этилади. Мавжуд муаммолар бартараф этилгандан сўнг ҳам ижтимоий-педагогик ёрдамга муҳтож оилалар фаолиятини муайян даврларда ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зеро, педагогик тажрибадан бартараф этилган ижтимоий-педагогик муаммоларнинг қайта юзага келиш хавфи мавжудлиги маълум.

“Оила тарбиясида объектив ва субъектив омилларнинг роли катта. Оиланинг моддий таъминоти ва фаровонлик (маиший турмуш) даражаси, оила бюджетининг мавжуд ҳолати, ундан оқилона фойдаланиш борасидаги тажриба, соғлом рухий муҳитнинг барқарорлиги ва ҳоказолар объектив омиллар саналса, оиладаги шахслараро муносабатлар мазмуни, оила аъзоларининг физиологик, психологик, маданий жиҳатдан комиллик ҳамда маълумот даражаси, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари ўртасидаги мутаносиблик, оилавий ҳаётни тартибга солиш борасидаги ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, бирлик тамойилларига таяниш кабилар субъектив омиллар сирасига киради”<sup>43</sup>.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда талабаларнинг тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришда мактабгача таълим муассасалари билан оила ўртасидаги ҳамкорлик натижалари айнан мана шу объектив ва субъектив омилларга боғлиқ эканлигини ёдда тутишлари муҳимдир.

Оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишнинг дастлабки босқичида ижтимоий-педагог томонидан “Оила харитаси”нинг шакллантирилиши жараён муваффақиятини таъминлайди. Шу боис талабаларни ушбу хаританинг ташхисий вазифаси, умумий моҳияти ва таркибий қисми билан таништириб бориш мақсадга мувофиқ.

<sup>43</sup> Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. Олий таълим муассасалари учун дарслик /М.Х.Тохтаходоева ва бошқ. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 287-бет.

“Оила харитаси” шартли равишда икки қисмга ажратилади. Яъни:

1) асосий қисм – унда оиланинг ҳар бир аъзосининг тавсифи, туғилган санаси, оила мақоми, яшаш шароитлари, қўшничилик, оиланинг диний ва миллий мансублиги тўғрисидаги маълумотлар акс этирилади;

2) илова – унда оилада бола тарбиясини ташкил этиш жараёнининг моҳияти (ота-оналарнинг бола тарбияси учун ажратаётган вақтлари, унинг шакллари, бу жараёндаги фаолиятлари, фарзандлар шахсини ёритувчи (масалан, боланинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари, интилишлари, дўстлари, саломатлиги ҳолати ва бошқалар тўғрисидаги) маълумотлар ёритилади.

Тажриба-синов ишлари даврида талабаларда харитани тўғри юритиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда педагогик амалиёт даврида ота-оналар билан суҳбатларни ташкил этиш, бола фаолиятини кузатиш асосида талабалар “Оила харитаси”ни юритиб бордилар.

Шундай қилиб, ижтимоий муносабатлар мазмуни кенгайиб ва мураккаблашиб бораётганлиги ёш авлодни ижтимоий ҳаётга мослаштириш масаласига жиддий эътибор қаратиш заруриятини кун тартибига олиб чиқмоқда. Оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдамнинг кўрсатилиши эса уларни турли салбий таъсирлардан ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

## ХУЛОСА

Глобаллашув шароитида умуминсоний маданиятнинг кенг кўламда тараққий этиши билан бирга шахснинг ижтимоий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар (психологик зўриқиш, носоғлом турмуш тарзининг қарор топиши, ижтимоий муносабатларда девиант ҳолатларнинг кўзга ташланиши ва бошқалар)нинг юзага келганлиги шахсни ижтимоийлаштириш эҳтиёжининг долзарбланишига сабаб бўлди. Манбаларни ўрганиш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан танишиш педагогика олий таълим муассасаларида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш долзарб муаммолардан бири эканлигини тасдиқлади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда ижтимоий-педагогларни тайёрлаш бўйича катта тажриба тўпланган бўлиб, миллий ва минтавий хусусиятларни инобатга олган ҳолда улардан олий таълим тизимида фойдаланиш кутилган натиани қўлга киритишга имкон беради.

Республика олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ҳам ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш борасида муайян тажрибалар тўпланганлигига қарамай, айрим камчиликлар ҳам мавжуд.

Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг етакчи шакли сифатида таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар ёрдамида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасалари амалиётида дастурий, мустақил ва табақалаштирилган таълим турларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади.

“Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда уларнинг мустақил таълим олиш ва ижодкорлик кўникма ва малакаларига эга бўлишларига эътибор қаратиш талаб этилади.

Талабалар томонидан оилаларга методик ёрдам кўрсатиш борасидаги билимларнинг пухта ўзлаштирилиши тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга нисбатан ягона ёндашувни қарор топтиришга хизмат қилади.

Келгусида “Мактабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- олий таълим муассасаларида мустақил таълимнинг муҳим шакли сифатида масофавий таълимдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш;

- ривожланган хорижий мамлакатларнинг мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга оид тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг илғор жиҳатларида республиканинг олий таълим муассасаларида самарали фойдаланиш;

- республика мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш борасида тўпланаётган тажрибаларни умумлаштириш ва уларни талабалар ўртасида кенг тарғиб этиш;

- педагогика олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида ташкил этиладиган фан олимпиадаси шартлари таркибига “Ижтимоий педагогика” фани асосларига оид билим, кўникма ва малакаларни баҳолашга оид шартнинг киритилишини таъминлаш;

- талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашда олий таълим ва мактабгача таълим муассасалари ўртасида узвий ҳамкорликка эришиш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси /Тузувчилар Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. Нашр учун масъул: Т.Рисқиев. – Т.: Шарқ НМК Бош таҳририяти, 1999. – 182 б.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997. – 31-61-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 214 б.
5. Аксенова Л.И. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.: Академия, 2001. – 191 с.
6. Воспитание в первом классе // Ж. Начальная школа. – М.: № 1. 2004. – С. 12-14.
7. Давлетшин М.Р. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 29 б.
8. Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари (тарих фани ўқитувчилари мисолида. – Т.: 2007. – 158 б.
9. Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. – Т.: ЎзПФТИ, 1999. – 23 б.
10. Мактабгача кичик ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш /Болалар боғчаси тарбиячилари учун. Г.Н.Година таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон. 1989. – 184 б.
11. Мактабгача тарбия педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 256 б.
12. Мактабгача таълимнинг давлат стандарти. – Т.: ЎзПФТИ, 1995. – 39 б.
13. Маҳкамов С. Ижтимоий фанларни ўрганишга интеграцион ёндашув – дарс самарадорлигини ошириш омили // Халқ таълими ж. – Т.: 2004. 5-сон. – 48-51-б.
14. Маҳмудова Д.Й. Махсус таълим муассасалари тарбияланувчиларига психологик хизмат кўрсатишнинг амалий жиҳатлари (Методик тавсиянома). – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2007. – 9-21-б.
15. Мудрик А.В. Введение в социальную педагогику. – Пенза, ПГУ, 1994. – 117 с.
16. Мудрик А.В. Основы социальной педагогики. – М.: АСАДЕМА, 2006. – 205 с.
17. Мудрик А.В. Социальная педагогика. – М.: Владос, 1999. – 219 с.
18. Немов Р.С. Психология. Книга 2. Психология образования. – М.: Владос, 2000. – 606 с.

19. Нуридинов Б. Касб таълими ўқитувчиларини малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий- педагогик асослари: Пед. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2002. – 21 б.
20. Никитин В.А. Начала социальной педагогики. – М.: Владос, 1999. – 168 с.
21. Оила педагогикаси /О.Хасанбоевнинг умумий тахрири остида. – Т.: Алоқачи, 2007. – 384 б.
22. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. Олий таълим муассасалари учун дарслик /М.Х.Тохтаходоева ва бошқ. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 379 б.
23. Подготовка детей к школе в детском саду / Под ред. Ф.А.Сохина, Т.В.Тарунтаевой. – М.: Педагогика, 1997. – 159 с.
24. Подготовка детей к школе /Под ред. Л.А.Парамоновой. – М.: Просвещение, 1989. – 175 с.
25. Психология /Қисқача изоҳли луғат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1998. – 46 б.
26. Рабочая книга школьного психолога //Под ред. И.В.Дубровина. – М.: Просвещение, 1991. – 303 с.
27. Расулова М.Ш. Болаларни мактабга тайёрлаш ва тайёрлигини аниқлаш мезонлари. – Т.: ЎзПФИТИ, 1994. – 24 б.
28. Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Пед.фанл.номз. ... дисс.автореф. – Т.: 2005. – 17 б.
29. Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчиларда касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Пед.фанл. номз. ... дисс. – Т.: 2002. – 161 б.
30. Романенко Н.М. Воспитание у будущих учителей основ творческого подхода к педагогической деятельности: Автореф.дисс. ... канд.пед.наук. – Волгоград: 1990. – 19 с.
31. Семенов В.Д. Начала социальной педагогики. – М.: Пресс-Арт, 1999. – 172 с.
32. Слостенин В.А. Формирование профессиональной культуры учителя /Учебное пособие. – М.: Прометей, 1993. – 177 с.
33. Социальная педагогика и педагогическая социология (программа курса). – Т.: ТГПУ им Низами, 2003. – 10 с.
34. Социальная педагогика. Курс лекций /Учебное пособие для студ высш.учеб.заведений. Под общ. ред. М.А.Галагузовой. – М.: Гуманит. изд.центр Владос, 2001. – 417 с.
35. Социальная работа /Под общей ред. В.И.Курбатова. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. – 479 с.
36. Солихова М.А. Мактаб таълимига тайёрлаш муаммолари //Халқ таълими ж. – Т.: 2000. № 3. – 85-87-б.
37. Туғилган кундан бошлаб бир ёшгача бўлган фарзандлар тарбияси /Ота-оналар учун услубий қўлланма. М.Солихова ва бошқалар. – Т.: ТМУ, 2003. – 64 б.

38. Усмонхўжаев А., Акромова Ф. Руҳиятни соғломлаштириш усуллари (шифокор ва психолог ҳамкорлиги). – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 63 б.
39. Файзуллева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси // касбий таълим ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-106-б.
40. Фалсафа. Қискача изоҳли луғат // Масъул муҳарир. А.Жалолов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 383 б.
41. Хурвалиева Т.Л. Мактаб амалиётчи-психологлари малакаларини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари (илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш мисолида): Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 2007. – 179 б.
42. Хурвалиева Т.Л. Мактабда психологик хизматни ташкил қилиш (мактаб амалиётчи психологлари учун услубий тавсиялар). – Т.: А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, 2006. – 28 б.
43. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 264 б.
44. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Е – М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 178-б.
45. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд. Н – Тартибли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 641-б.
46. Ўқув-меъёрий хужжатлар /Тузувчилар: Р.Яркулов, Р.Г.Исянов, А.Қурбонов. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. – 43 б.
47. Ўқувчи шахсини шакллантириш /Тузувчилар: Ж.Фозилов, Р.Султонов, Х.Саидов. Нашр учун масъул Ж.Ф.Йўлдошев. – Т.: “Ma’rifat-Madadkor”, 2000. – 303 б.
48. М.Қуронов, З.Қурбонниёзова. Ижтимоий педагогика / Ўқув қўлланма. – Т.: РТМ, 2002. – 134 б.

## МУНДАРИЖА

Кириш _____	3
“Мақтабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш – педагогик зарурият _____	5
“Мақтабгача таълим” йўналиши талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни _____	15
Ўқув машғулотларининг талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашдаги ўрни _____	25
Аудиториядан ташқарида талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш имкониятлари _____	36
“Мақтабгача таълим” йўналиши талабаларида оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш _____	45
Хулоса _____	54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____	56